

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

“ТЕХНИКА” ФАКУЛЬТЕТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Техника” факультети
декани К.Қосимов

“ ____ ” ____ 2012й.

“ҲИМОЯГА ҚЎЙИЛДИ”

“Иқтисодиёт” кафедраси
муdiri Н.Халилов

“ ____ ” ____ 2012й.

Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорликни ривожлантиришда меҳнат омилининг ўрни

М А В З У С И Д А Г И

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: “Иқтисодиёт” йўналиши битирувчиси Юсупов С.

ИЛМИЙ РАҲБАР: и.ф.н., катта ўқитувчи Мадрахимов У.А.

МАСЛАҲАТЧИЛАР: и.ф.н., катта ўқитувчи Эрматов А.,

ассистент Анафияев А.

ТАҚРИЗЧИЛАР: 1. Андижон вилояти меҳнат, иш билан бандлик ва
аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Бош бошқармаси
бўлим бошлиғи: _____

2. Андижон вилояти иқтисодиёт Бош бошқармаси
бўлим бошлиғи: _____

Андижон - 2012

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
«ТЕХНИКА» факультети, «ИҚТИСОДИЁТ» кафедраси,
«ИҚТИСОДИЁТ» йўналиши 2-гуруҳ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Иқтисодиёт» кафедраси
мудри Н.Халилов

19.12. 2011 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба: Юсупов Собиржон Салайдинович.

1. Битирув малакавий ишининг мавзуси: Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда меҳнат омилининг ўрни. 5-сонли 5 декабрь 2011й. кафедра мажлисида маъқулланган.
2. Битирув малакавий ишни топшириш муддати: “_____” июнь 2012й.
3. Битирув малакавий ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлар: Андижон вилояти иқтисодиётининг уч йиллик статистик маълумотлари, илмий мақолалар ва тезислар.
4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати):

Кичик бизнесни ривожлантиришга меҳнат омилининг таъсирини назарий асослари. Андижон вилоятида кичик бизнес ва меҳнат бозорининг ҳозирги ҳолати. Ҳудудда кичик бизнес фаолиятини меҳнат омили самарадорлигини ошириш асосида ривожлантириш.

5. Чизма ишлар рўйхати (номи аниқ кўрсатилади):
 - 2.1.1-жадвал. Андижон вилоятида меҳнат бозори ҳолати.
 - 2.1.1-расм. Андижон вилоятида иш билан бандлик даражаси.
 - 2.1.2-жадвал. Андижон вилоятида меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф.
 - 2.2.1 – жадвал. Андижон вилоятида кичик бизнес фаолиятининг асосий кўрсаткичлари.
 - 2.2.1-расм. Андижон вилоятида мавжуд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони.
 - 2.2.2-расм. Андижон вилоятида жами рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари таркибидаги фаолият юритаётганлар улуши.
 - 2.3.1-расм. Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига яратилган янги иш ўринлари.

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчи(лар)

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи Ф. и. ш.	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1	Кириш	Эрматов А.	10.12.2011й	03.01.2012й
2	Кичик бизнесни ривожлантиришга меҳнат омилининг таъсирини назарий асослари	Мадрахимов У.	04.01.2012й	27.02.2012й
3	Андижон вилоятида кичик бизнес ва меҳнат бозорининг ҳозирги ҳолати	Мадрахимов У.	28.02.2012й	12.04.2012й
4	Худудда кичик бизнес фаолиятини меҳнат омили самарадорлигини ошириш асосида ривожлантириш	Мадрахимов У.	13.04.2012й	30.04.2012й
5	Хулоса	Анафияев А.	02.05.2012й	14.05.2012й

7. Битирув малакавий ишини бажариш режаси

№	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш асослари	10.01.2012й	
2	Кичик бизнес ва меҳнат омилининг боғлиқлигини назарий жиҳатлари	17.01.2012й	
3	Кичик бизнес фаолиятини баҳолаш услуллари	25.02.2012й	
4	Вилоят меҳнат бозорининг таҳлили	14.03.2012й	
5	Иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти таҳлили	14.04.2012й	
6	Кичик бизнес ва меҳнат бозори фаолиятига инфратузилманинг таъсири таҳлили	18.04.2012й	
7	Худудда иш билан бандлик даражасини ошириш йўллари	30.04.2012й	
8	БМИ тақризлари	19.05.2012й	

Битирув малакавий иши раҳбари: Мадрахимов У. _____
(имзо)

Топшириқни бажаришга олдим: Юсупов С. _____
(имзо)

Топшириқ берилган сана: 15 декабрь 2011 йил.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	5
 I БОБ. Кичик бизнесни ривожлантиришга меҳнат омилининг таъсирини назарий асослари	
1.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш асослари	8
1.2. Кичик бизнес ва меҳнат омилининг боғлиқлигини назарий жиҳатлари	18
1.3. Кичик бизнес фаолиятини баҳолаш услулари	25
 II БОБ. Андижон вилоятида кичик бизнес ва меҳнат бозорининг ҳозирги ҳолати	
2.1. Вилоят меҳнат бозорининг таҳлили	32
2.2. Иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти таҳлили	40
2.3. Кичик бизнес ва меҳнат бозори фаолиятига инфратузилманинг таъсири таҳлили	45
 III БОБ. Худудда кичик бизнес фаолиятини меҳнат омили самарадорлигини ошириш асосида ривожлантириш	
3.1. Худудда иш билан бандлик даражасини ошириш йўллари	49
3.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўллари	60
 Хулоса	65
 Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	67
 Иловалар	71

К И Р И Ш

Миллий иқтисодий тизимда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида турли мулкчилик асосидаги бозор тизими шаклланди. Шу билан бирга, иқтисодиётни акс эттирувчи кўрсаткичларнинг ҳам барқарор даражаси таъминланди. Изчил амалга оширилган таркибий ўзгаришлар натижасида мамлакатда яратилган ялпи миллий маҳсулотдаги нодавлат секторининг улуши ортди, саноатнинг улуши хизматлар соҳасидан кейинги ўринга чиқди, иш билан бандликда ҳам бир қатор ижобий ўзгаришлар юзага келди.

Юқоридагилар билан бирга иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ҳам ўсди. Мамлакатда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан ортиғи кичик ва хусусий тадбиркорлик томонидан яратилаётган бўлса, уни яратишда иш билан банд бўлганларнинг жамига нисбатан учдан икки қисми банддир.

Андижон вилоятида эса яратилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 56,3% ҳамда жами иш билан банд бўлганларнинг 82% дан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушига тўғри келади. Мазкур кўрсаткичлар ҳолатидан кўриниб турибдики, кичик бизнесда иш билан банд бўлганларнинг тўртдан уч қисми фақатгина ялпи ички маҳсулотнинг ярмини яратмоқда. Алоҳида таъкидлаш лозимки, яратилган янги иш ўринларининг асосий қисми ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек: “... янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди.”¹

¹ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

Кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига меҳнат кучли таъсир этувчи омил ҳисобланар экан. Мазкур соҳада иш билан бандларнинг малака кўникмаси бевосита кичик бизнесни ривожланишига таъсир этади. Шу ўринда битирувчи томонидан тайёрланган иш айна долзарб масалага бағишланганлиги билан аҳамиятлидир.

Кичик бизнеснинг асосий қисмида замонавий, ихчам ва юқори технологик ускуналарни харид қилишга эҳтиёж катта. Лекин уларда мазкур технологиялардан фойдалана оладиган малакали ишчи кучи етишмовчилиги мавжуд.

Битирув малакавий ишининг мақсади Андижон вилоятида мавжуд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига меҳнат омилини таъсирини тадқиқ этиш асосида уларни ривожлантиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар ҳал этилди:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш асослари ёритилди;
- кичик бизнес ва меҳнат омилининг боғлиқлигини назарий жиҳатлари очиб берилди;
- кичик бизнес фаолиятини баҳолаш услулари ўрганилди;
- вилоят меҳнат бозори таҳлил қилинди;
- иқтисодиётдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти баҳоланди;
- кичик бизнес ва меҳнат бозори фаолиятига инфратузилманинг таъсири очиб берилди;
- ҳудудда иш билан бандлик даражасини ошириш йўллари таклиф этилди;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишининг объекти Андижон вилоятида мавжуд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда уларда иш билан банд бўлган меҳнат омилига оид иқтисодий кўрсаткичлар.

Битирув малакавий ишининг структураси кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари берилган.

Биринчи бобда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг назарий жиҳатлари, уларнинг ривожланишида меҳнат омилининг ўрни ҳамда уларни баҳолаш усуллари ёритилган.

Иккинчи бобда Андижон вилоятида мавжуд кичик бизнес субъектлари фаолияти ва меҳнат бозорининг ҳолати таҳлил қилинган.

Учинчи боб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожлантириш истиқболларига бағишланган бўлиб, унда ҳудудда мавжуд меҳнат ресурсларининг самарали иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган тавсиялар ҳамда тадбиркорликни кенгайтириш йўллари ёритилган.

Хулоса қисмида битирув малакавий ишида ўрганилган масала юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

1-БОБ. Кичик бизнесни ривожлантиришга меҳнат омилининг таъсирини назарий асослари

1.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш асослари

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда кичик бизнесни ва тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган.

Хорижий тадқиқотчиларнинг кўпчилиги, кичик бизнеснинг ўзида 500 киши банд бўлган ва савдо - сотиқ хажми 20 млн доллардан ошмаган фирмаларни киритадилар. Аммо, бу кўрсаткичлар маълум даражада шартлидир. Яна, кўрсаткичлар сифатида қўшимча қиймат солиғи ва корхонадаги асосий воситалар қиймати қўлланилади. Ўзининг «Кичик бизнес» деган номига қарамасдан ушбу ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти тури барча тараққий топаётган давлат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Унинг қулайликлари мавжуд:

- маҳаллий ресурсларда ишлаб турган ёки маҳаллий бозорни таъминлаб турувчи кичик корхоналар ҳеч бўлмаганда транспорт харажатларининг иқтисод қилинганлиги учун ҳам кам харажатлидирлар. Уларнинг иқтисодий устунлиги маҳаллий шароитларни яхши билганликлари сабабли, ишлаб чиқаришни унча кўп бўлмаган сармоя ва меҳнат харажатлари билан амалга оширилишидадир;

- кичик корхонадаги меҳнат моддий тавсифга эга;

- ишловчиларнинг камлиги уларнинг ҳар бири қобилиятининг енгилроқ юзага чиқишига ёрдам беради;

- ишлаб чиқиляётган маҳсулот ассортименти ва турини ўзгартириши кичик корхоналарда унчалик ката қийинчилик пайдо қилмайди. Шу туфайли бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда кичик бизнес ўз мавқеини тинимсиз кучайтириб ва мустаҳкамлаб бормоқда.

Ҳар қандай миллат вакиллари ўз тадбиркорлари фаолияти медалари билан астойдил фахрланади. Тадбиркорлик ижтимоий муносабатлар намоён бўлишининг шаклларида бири сифатида фақат жамиятнинг салоҳиятини оширишга кўмаклашиб қолмайди, балки ҳар бир инсоннинг қобилияти ва маҳоратини намоён қилиш учун қулай шароит яратади, миллатни жипслашишига, унинг миллийлигини сақлаб қолишга олиб келади.

Тадбиркорликни қайта ишлаш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун шароитлар яратиш, замонавий тадбиркорликнинг мазмуни, моҳиятини янгича тушунишни тақозо этади. Шу муносабат билан бизнинг фикримизча, «тадбиркорлик» тушунчасини тушуниш ва қайта фикрлаш талаб қилинади.

Бугунги кунда тадбиркорликнинг умум томонидан эътироф қилинган таърифи мавжуд эмас. Айрим олимлар тадбиркорлик ўз қийматига эга бўлган қандайдир янги нарсани яратиш жараёни, тадбиркор эса бунга зарур бўлган барча вақтини сарфлайдиган барча молиявий, психологик ижтимоий хавф-хатарни ўзига олиб, эвазига мукофот сифатида пул ва эришилган ютуғидан қаноатланувчи шахс деб таъкидлайди.

Таниқли олимларнинг олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, тадбиркорнинг ўз фаолият соҳасида олиб борадиган ишлари кўп қирралидир. Бу бозор иқтисодиётининг ўзгариши билан корхонанинг ички ва ташқи омиллари таъсирида аниқланади. Лекин тадбиркорнинг асосий мақсади, фойда кўриш билан бир қаторда, бозорда самарали фаолият кўрсатишни таъминлайдиган ишларни амалга оширишдир. Бунинг учун тадбиркорликни бошқариш усулларига асосланган механизмни яратиш ва ундан унумли фойдаланишни таъминлаш зарур. бозор шароитида тадбиркорликни бошқаришда унинг қуйидаги хусусиятларини эътиборга олиш керак:

- тадбиркор ҳар доим бозордаги талаб ва таклифни эътиборга олади;
- тадбиркор самарадорликни таъминловчи саъй-ҳаракатлар қилиб, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йўллари қидиради;

- кичик бизнеснинг пировард натижаларига жавоб берадиган шахслар, ўз бизнесини жавоб берадиган шахслар, ўз бизнесини эркин шарт – шароитларда олиб боришларига етарли имкониятлар яратишади;

- кичик корхоналарнинг пировард натижасилари, яъни унинг оладиган фойдаси ёки зарари фақат бозордаги олди-сотди жараёнида маълум бўлади;

- кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркор ўз маблағларини ҳаракатга солиб, бозорда қандай хавф-хатарга дуч келишини ёки якуний натижа қандай бўлишини аниқ белгилайди.

Шундай қилиб, тадбиркорлик – бу иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, унинг заминиди мустақил ташаббус, жавобгарлик, тадбиркорлик ҳолатига асосланган, фойда олишга йўналтирилган, мақсадга мувофиқ мувофиқ фаолият тушунилади.

Кичик бизнеснинг субъекти бўлиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар хизмат қилади.

Кичик бизнес, кичик корхоналар, хусусий фирмалар – бу каби тушунчалар бозор иқтисодиёти лексикасининг ажралмас қисмига айланганлар.

Товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга шахсий ва бошқа шахсларнинг жалб қилинган мулклари асосида шахсий меҳнати ва ёллаш бўйича меҳнатни қўллаш воситасига таваккалчилик ва мулкый жавобгарлик фойда олишга қаратилган ташаббускорлик фаолияти амалга оширувчи субъектлари бўладилар.

Кичик корхоналар қуйидагича ташкил қилинишлари мумкин:

- фуқаролар, оила аъзолари ва бошқа шахслар томонидан;
- давлат, ижара, жамоа, қўшма корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари, хўжалик ассоциялари ва бошқалар томонидан;
- жамият ташкилотлари;
- барча ташкилотларнинг ҳамкорлиги асосида;
- мулкдорнинг розилиги билан жамоа ташаббуси бўйича амалдаги корхоналар таркибидан ажралиб чиқиш натижасида.

Кичик корхоналар аввало халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва маиший хизматлар кўрсатиш учун ташкил қилинади. Аммо улар халқ хўжалигининг ҳар қандай соҳаларида ҳам ташкил қилиниши муаммосининг ҳар қандай шакллари асосида ҳаракат қилиши мумкин. Бир ёки бир неча юридик ёки жисмоний шахслар кичик корхоналарнинг таъсисчилари бўлишлари мумкин.

Кичик бизнес фаолиятининг кенг ёйилган соҳасига эга. У хўжалик фаолиятининг барча турларини амалга ошириши мумкин. У битимлар тузиш, мулкни харид қилиш, ташқи бозорга чиқиш, савдо воситачилиги ва бошқа битимларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Кичик бизнес бу хўжалик юритишнинг мустақил мавжуд бўладиган ва фаолият юритадиган шаклидир. У ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми ва турларини мустақил белгилаш, уни ўз ихтиёрига кўра сотиши, товарлар ва хизматларга нархларни белгилаш, ривожланиш фондлари, ижтимоий соҳа резерв фондига фойда ажратмаларини нг меъёрларини белгилаш, ёлланма ходимлар меҳнатларига ҳақ тўлаш шакллари ва миқдорлари мустақил белгилаш мумкин.

Мунтазам фаолият учун шароитлар яратиши мақсадида кичик корхоналар, уюшмалар, ассоциясларга бирлашишлари, ҳар хил кооперативларнинг таркибига киришлари мумкин.

Кичик бизнеснинг мезонларни белгилаш зарурияти кичик корхоналарнинг давлатининг жиддий ёрдамига мухтожлигидан келиб чиқади. Кичик ва ўрта корхоналарни алоҳида категорияларга ажратиш улар фаолиятини ўрганиш ва самарадорлиги даражасини таҳлил қилиш, уларни иқтисодиёт умумий тизимидаги ўрни ва ролини аниқлаш учун зарурдир. Бозор иқтисодиёти шароитидаги барча мамлакатларда кичик корхоналарни белгилашда қуйдаги мезонлардан фойдаланилади дейиш мумкин:

Ходимлар сони, сотиш ҳажми, асоси капиталнинг баланс қиймати:

1. Сифат кўрсаткичлари: ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нисбатан кичик сони; чекланган ресурслар ва қувватлар, бошқарувнинг камроқ ривожланган тизимлари ва бошқалар.

2. Кичик бизнес корхоналари йирик фирмалардан кўпроқ фарқ қиладилар ва бозор иқтисодтиёти шароитида ўз хусусиятларининг малга ошириш учун ката имкониятларга эга.

Бошқарув ва қарорлар қабул қилишдаги мушқиллик, технологик ажралганлик, эпчиллик шахсий фаолиятларини йитик корхоналар қила олмаган ишни энг ката фойда олиш билан бажарадиган қилиб ташкил қилиб ташкил қилишга ёрдам беради.

Кичик корхоналар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турларини ўзгартириб, истеъмолчиларнинг ўзгарувчан талабларига кўра товарлар ишлаб чиқариш билан бозор ҳолатини ўзгаришига тез жавоб қайтариш хусусиятига эга ҳисобланади. Улар инсонларнинг мавсумий эҳтиёжларини тўлиқроқ ва сифатлироқ тарзда қондиришлари мумкин.

Кичик бизнесда нисбатан кичик бошланғич сармоялар билан шахсий ишини бошлаш ҳамда қисқа муддатда ишлаб чиқаришни ташкил этиш имконияти бор. Бу ҳолат, қулай шароитларда кичик бизнес соҳасини жадал ривожлантириш имконини беради.

Кичик фирманинг раҳбари бошқа ҳар қандай фирмаларга қараганда кўпроқ даражада хўжайинлик туйғусини ҳис қилади, зеро, у юқори идораларнинг буйруқларидан тўлалигича озод, бу ерда бир шахсда мулк эгаси, менежер, молиячи, бизнесмен бирлашади. моддий ва маънавий муваффақиятни олиш мақсадида унумдор меҳнат қилиш учун қудратли кўшимча рағбат мана шундан иборатдир. Кичик корхоналар маҳаллий шароитларда урф – одатларига, анъаналарига тез мослашиш қобилиятини намоён қиладилар. Бу сифатлар кичик бизнесга маҳаллий аҳоли учун анъанавий товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини ривожлантиришга имкон беради. Шунинг учун ҳам кичик корхоналар косибчилик, ҳунармандчилик буюмлари, бадий – декоратив

ашёлар, уй ва қишлоқ хўжалиги асбоблари, қурилиш деталлари, болалар ўнчоқлари миллий характердаги озиқ - овқат товарларини ишлаб чиқариш соҳасида кенг тарқалган. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган, ҳисобот даврида ходимларининг ўртача сонининг энг юқори даражадан ошмайдиган кичик корхоналар кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланадилар.

Агар кичик бизнесга оид назарий қарашларни таҳлил этсак, ушбу корхоналар фаолиятини ривожлантиришга оид икки хил мазмундаги ғояни ажратиб олиш қийин эмас.

Биринчи ғоя – кичик бизнес корхоналарининг йирик компаниялар томонидан сиқиб чиқарилишини ва умуман, уларнинг иқтисодиётда етакчи мавқега эга бўлаолмаслигини тарғиб қилади.

Иккинчи ғоя – кичик бизнес корхоналари иқтисодиётда етакчи мавқега эга бўладилар ва уларнинг фаолияти йирик корхонлар фаолияти билан уйғунлашиб кетадилар.

Шу ўринда ушбу субъектларнинг бир қатор авзалликларини санаб ўтиш мақсадга мувофиқ:

1. Кичик бизнес эркин бозор муносабатларини ривожлантиришнинг ва халқнинг тарихий анъана ва маҳоратини тиклашнинг энг қулай усулидир.

2. Кичик бизнес ривожланишини бошланғич фазаларида йирик капитал қўйилишини талаб этмайди. Яъни ушбу субъектлар фақат белгиланган устав сармоясини шакллантириш орқали, ўз иш фаолиятларини бошлаши мумкин ва бунда йирик сармоялар қўйиш зарур бўлмайди.

3. Кичик бизнес субъектлари ривожланишида энг юқори технологияли асбоб ускуналар талаб этилмайди.

4. Халқнинг руҳий ҳолатини соғломлаштириш, яъни боқимандаликка барҳам бериб ўз даромад ва харажатларини сарҳисоб қилган ҳолда, мустақил хўжалик юрита олиш қобилиятини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

5. Бозор конъюктураси ва объектив – субъектив имкониятларидан келиб чиқиб асосан ички бозорга ишлайди.

6. Кичик бизнесни тараққиёти, умуман иқтисодиётда кўп укладлиликини вужудга келтиради. Имкониятларга ва рақобатга йўл очади, ишсизлик муаммосини ҳал қилишга кўмаклашади.

Йирик корхоналаримиз ҳам мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этади. Аммо кичик бизнесни йирик бизнес билан бўладиган рақобатини мукаммал даражага кўтариш, иқтисодиётимиз тамомила олигополистик ёки монополистик йўлдан кетишининг олдини олиш учун ҳам қатор қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда.

Бугунги кунда йирик корхоналарнинг кўпчилиги айниқса мустақилликка эришгандан кейин бунёд этилган йирик корхоналар ривожланган мамлакатлар компаниялардан самарали технологиялар Билан жиҳозланган заводлар эса, нафақат қолишмайди, балки улардан устун жиҳатлари ниҳоятда кўп.

Асосий муаммолар ишлаб чиқариш имкониятида мавжуд бўлиб, ҳозиргача истеъмолчилар талабларига мукаммал даражада мослашмаган тоталитар тузум давридаги корхоналар ҳеч қачон стратегик инвестицияларни бошқара олмас эди. бозор иқтисодиёти давридаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш уларнинг хусусий инвестиция фаолияти натижаси эмас эди. Давлатнинг ўзи заводларни қуриб сўнгра бошқарувни ташкил этилаётган корхоналар маъмуриятига берар эди. Ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш билан боғлиқ барча лойиҳаларни давлат томонидан марказлашган ҳолда амалга оширилар эди.

Асосий ишлаб чиқариш қувватларини яратувчиси эмас балки фойдаланувчининг бундай ўзига хос роли шунга олиб келдики Ушбу корхоналар ўз ишлаб чиқариши стратегик хажмини бошқара олмас, кенг кўламли талаб мавжуд соҳаларни топа олмас, уни арзон юқори сифатли, ката миқдордаги маҳсулот билан таъминлай олмас эди. Яна йирик ишлаб чиқариш қувватлари керак ёки керакмаслиги масалалари корхонадан ташқарида ҳал қиланар эди. Ривожланган Ғарб давлатларидаги ўзига ўхшамаган гигант

корхоналардан фарқлироқ, оммавий истеъмолчига керакли бўлган товарни мустақил равишда етиштириб гуллаб яшнаши ва ўз ривожланишини таъминлашига имкон мавжуд эмас эди. бу эса ҳар хил маҳсулотнинг сурункали тахчиллигини келтириб чиқарар эди.

Уларни ишлаб чиқариш имкониятлари, қувватлари аввалгича қолмоқда. Олдинги даврга нисбатан ҳам яна эскирмоқда. Бу эса корхона раҳбарининг уқувсизлиги бозор иқтисодиёти шароитига мослаша олмаётганлиги бўлса иккинчи томондан корхонанинг акциялаштириш жараёнлари оқсаётганлиги корхона раҳбарларининг «Олма пиш оғзимга туш» қабилида иш тутаётганлигидир. Жаҳон амалиётида бу муаммони ечишнинг кенг тарқалган усулларидан – ишлаб чиқариш қувватларини қайта ихтисослаштиришдир. Туриб қолган қувватлар, малакали ишчи кучи заҳираси хом ашё ва ярим фабрикатларнинг етишмаслиги каби мавжуд барча муаммолар бунга олиб келишига объектив сабаб бўлади. Бу эса деярли харажат талаб қилмайдиган ёки кам талаб қилувчи инвестициялардир. Ўзбекистонда ислохотлар бошлангунга қадар йирик корхоналар самарали бошқарув тизимига эга эмас эди. Корхоналарнинг стратегик инвестицион ва маркетинг қарорлиридан узилиб қолганлиги корхона маъмуриятидаги мос хизматларни керакмаслик даражасига олиб келди. Охирги бошқарув органларининг жорий ишлаб чиқаришга аралашishi сабаб бўлди.

Бошқарувни қайта қуриш жараёни Ўзбекистон йирик корхоналарининг бозор шароитларига мослашишидаги муҳим жараёнлардан бири ҳисобланади. Уни мувоффақиятли тугатмасдан туриб, на инновацион, на сотиш фаолиятини самарали бўлиши мумкин эмас. Бу ўзгаришлар 2 та йўналиш бўйича олиб борилмоқда:

- ташқи, яъни бошқарувни ташкилий таркибини ўзгариши. Ҳозирги кунда барча йирик корхоналарда бош директорнинг маркетинг бўйича ўринбосари лавозими пайдо бўлди. Реклама бўлинмалари ташкил этилди ва ҳуқуқий, молиявий бўлимлар кенгайтирилди;

- ички бошқарув вазифаларини қайта кўриб чиқиш. Асосий вазифа бозорда муваффақият қозониш ва бошқа вазифалар шунга бўйсундирилади. Ишлаб чиқариш фаолиятининг ўзи муаллақ мақсад эмас, балки фойда кўрилувчи қилиб сотиш «бита олманинг икки юзи» сифатида қаралади, яъни ниммани сотиш фойдали бўлса, фақат шуни ишлаб чиқариш керак. Бухгалтерия ҳисоби ҳам, ҳисоб ва назорат воситасидан раҳбарият томонидан тижорат қарорларини тўғри қабул қилиш учун қўлланиладиган аниқ ва тезкор ахборот етказиб берувчига айланади.

Йирик ишлаб чиқаришга нисбатан кичик корхоналар ўзларинини сақлаб туриш, хизмат кўрсатиш ва бошқаришга кам харажат талаб қиладилар. Бундан ташқари, улар учун харажатларни тез ўзини қоплаши учун, маблағларнинг жадал айланиши характерлидир. Буларнинг барчаси тежамкорлик билан хўжалик юритишга, фойдалиликка эришишга техник ривожланиш учун маблағлар жамлашга имкон беради.

Кичик корхоналарнинг меҳнатни ташкил қилишда меҳнат тақсимотининг алоҳида тамойилларини йўлга қўйиш, ходимларнинг иш соҳасида бир - бирларини ўзаро алмаштира олиш улар ўртасидаги ишончли муносабатлар каби хусусиятларини таъкидлаб ўтиш зарур. Ишлаб чиқаришнинг кичик кўламлари жамоада меъёрий руҳий шароитни яратиш ходимлар қўнимсизлигини камайтириш, раҳбарлар ва бўйсунувчи ходимлар ўртасидаги муносабатларни демократик асосда қуриш, ташаббускорлик, ижодкорлик муҳитини яратиш билан бирга ҳар бир жамоа аъзосининг юқори маъсулиятли фаолиятини йўлга қўйиш имкониятини беради.

Кичик корхоналарнинг хўжалик фаолиятида барқарор ва фаолиятида барқарор ва фойда билан ишлашга эришиш имкониятини берувчи энг муҳим хусусиятлари ана шулардан иборатдир. Аммо бу имкониятлар ўз – ўзидан амалга ошади, кичик бизнес гуллайди, тадбиркорларнинг ҳеч қандай харажатларисиз кенгаяди. Бу соҳада ҳамма нарса тинч ва унда алоҳида муаммолар йўқ деб ҳисоблаш хато бўлади. Кичик бизнесни ривожлантириш йўлида кўпгина тўсиқлар, қийинчиликлар билан ҳал қилинадиган муаммолар

борки, уларни бартараф қилиш учун анчагина саъй ҳаракатлар қилиш, доимо изланишда бўлиш, ўқиш ўрганиш зарур.

Бугунги кунда кичик бизнесни ривожлантиришдан мақсад иқтисодиёт ва унинг субъектлари фаолияти кўп киррали бўлганлиги боис, беҳисоб хўжалик ва ўзаро алоқалар мажмуасидан иборатдир. Бинобарин, кўзланган мақсадлар жумласига: мамлакатда иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, янги иш жойларини яратиш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, товар ишлаб чиқаришни ва унинг ассортименти кўпайтириш, жаҳон бозори ва мамлакат ичкарасида ишлаб чиқаришда рақобатбардошликни таъминлаш ва уни кучайтириш кабиларни киритиш мумкин..

Солиқ тизимини ислоҳ қилишда Республикадаги янги солиқ тизими давлат даромадлари талабларига жавоб берган ҳолда кичик бизнес тараққиётига тўсиқ бўлмаслиги керак. Мамлакатимизда бу соҳада маълум ижобий силжишларга эришилган бўлсада, айрим хўжалик субъектлари бўйича давлат даромадлари бажарилмай қолишига олиб келувчи муаммолар йўқ эмас. Ҳолбуки, Республикада солиқ тизимини ислоҳ қилиш юзасидан берилаётган таклифлар қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

- Давлат мулкига қарашли ва хусусий корхоналарни солиқдан вақтинча озод қилишни нисбатан камайтириш;
- Фойда (даромад)дан солиқ тўловида солиқ базасидан иш ҳақи бўйича қайта қўшилувчи қаторларни чиқариб ташлаш;
- Солиқ стафкаси тўловлари ва йиғимларининг ЯИМ таркибидаги салмоғини меъёрий даражада сақланишга аҳамият қаратиш ва унинг ҳалқаро миқёсидаги даражаси билан таққосланувчанлигини таъминлаш;
- Амортизация тизимини такомиллаштириш;
- Зарарларни келгуси даврга ўтказиш ҳақида низом қабул қилиш;
- Инфляция даражасини ҳисобга олиш;

Модомики, кичик бизнес иқтисодий ривожланишини муҳим соҳаси экан, унинг муаммоларини ҳал этиш имкониятларини яратиш заруриятини тақозо этади.

1.2. Кичик бизнес ва меҳнат омилининг боғлиқлигини назарий жиҳатлари

Иш билан бандлик – ижтимоий меҳнат қобилиятли бўлган аҳоли даражаси. Тўла иш билан бандлик – ишга талабгорларни иш жойи билан таъминлаб, уларнинг самарали меҳнат қилишга эришишини шу билан биргаликда келажакда иқтисодиётнинг ўсиши учун минимал меҳнат резерви қилиниши билдиради.

XX асрнинг биринчи ярмида иқтисодий инқирозларнинг дамба-дам такрорланиши туфайли кўпгина «Капитализмни тартибга солиш»га оид иқтисодий ғоялар сони кўпайди. Ана шундай йўналишнинг ёрқин тарафдори бўлиб, инглиз иқтисодчиси Ж.М.Кейнс (1884-1946) шуҳрат қозонди. Иқтисодчи Кейнс 1920 – 1930 йилларда иқтисодиётга оид бир қанча китоблар ёзди. Аммо унга машҳурлик келтирган бош асари – «Иш билан бандлик, фоииз ва пулларнинг умумий назарияси» (1936) китобидир. 1940 йилда «Уруш харажатларини қандай қоплаш мумкин» деган китоби нашр этилди. Бу асарлардаги бош масала капитализмни оқлаш, унинг инқирозларсиз ривожланишини таъминлаш адабийлигини исботлашга уринишдир. Унинг яратган назарияси иқтисодиёт таълимотлар тарихида алоҳида ўрин эгаллайди ва бу ўзига хос инқилоб бўлди. Кейнс асосий асарларининг бошидаёқ классик миактабга қарши эканлигини баён этди.

Кейнснинг умумий бандлик назарияси қуйидагиларга асосланади: иш билан бандлик ортиши туфайли миллий даромад ва истеъмол ортада, чунки даромад ортиши билан истеъмолни ўстиради, аммо бу ўсиш даромадлар даражасида бўлмайди, оқибатда, даромадлар ўсиши билан жамғариш ортади ва истеъмол нисбати камайиб боради. охирида эса «самарали талаб» камаяди. талаб шундай йўл билан ишлаб чиқиш ҳажмларига ва бандлик даражасига таъсир этади.

Истеъмол талабларининг етарлича ўсмаслигини янги инвестицияларга харажатларнинг ошуви йўли билан қопланиши, яъни ишлаб чиқариш

истеъмолининг ишлаб чиқариш воситаларига қараб ошуви йўли билан қопланиш мумкин. Шу сабабли инвестицияларнинг умумий ҳажми бандлик ҳажмини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Кейнснинг фикри бўйича инвестициялар ҳажми инвестицияларга бўлган бўлган интилишга боғлиқ. Соҳибкор инвестицияларнинг капиталини «энг юқори самарадорлиги» фоиз даражасигача пасайган пайтгача кенгайтиради. Қийинчилиги шундаки, капиталнинг рентабеллиги пасаяди. Фоиз даражаси эса мўътадил бўлади. Бу ҳолат инвестициялар учун имкониятни пасайтиради, демак, бандлик ўсиши ҳам камаяди. Капитал «энг юқори самарадорлиги»нинг пасайиши капитал массасининг ўсиши, шунингдек капиталист – тадбиркорликнинг бўлажак даромадларига ишончсизликка «мойиллиги» билан тушунтирилади. Кейнс таълимоти бўйича бандликнинг умумий ҳажми 3 омилга – «истемолга мойиллик», «энг юқори самарадорлик» ва «фоиз нормаси»га боғлиқ. Кейнснинг умумий назариясида инвестицияларнинг умумий бандлик ҳажмини аниқлашдаги асосий роли тўғрисидаги тезис муҳимдир. Улар истеъмол талабларининг етарли эмаслигини тўлдириши керак. Бунда ишлаб чиқаришни кенгайтириш масаласи истеъмол талаби ошишидан алоҳида қаралади. Инвестицияларнинг кўпайиши ишлаб чиқаришга қўшимча ишчиларни жалб этишга олиб келади. Бу эса бандлик миллий даромад ва истеъмол ўсишмнитаъминлайди. Янги инвестициялар туфайли бандликнинг дастлабки ўсиши яна қўшимча бандликни юзага келтиради. Чунки қўшимча ишчилар талабани қондириш зарурати туғилади. Қўшимча бандликнинг ўсиши коэффицентини Кейнс мультипликатор деб атаган.

Хусусий инвестицияларни рағбатлантириш учун фоиз нормасини тартибга солиш таклиф этилади. Унинг фикрича давлат муомаладаги пул миқдорини ошириш йўли билан фоиз даражасини тартибга солиш имкониятига эга. Муомаладаги пул миқдорини ошириш амалда инфляция демакдир.

Тўла бандликни таъминлаш учун фақат инвестицияларнинг эмас балки, миллий даромадни ҳам тартибга солиш таклиф этилади. Буни ҳал қилиш

воситаси сифатида солиқларга мурожаат қилиш керак дейилади. Аҳолининг «жамғарма»ларини камайтириш ва истеъмолни рағбатлантиришдир. Реал иш ҳақини пасайтириш учун инфляция асосида нарх - навони ошириш йўли тавсия этилади. Реал иш ҳақини пасайтирмасдан тўлиқ бандликни таъминлаш мумкин эмас деган фикр ишчиларга уқтирилади. Даромаднинг пасайиб бориши туфайли бандликнинг бир мунча ортишиилгари банд бўлганларнинг реал даромадлари қисқариши билан боғлиқ. Кейнс ишчиларга мурожаат қилиб, иш ҳақини ошириш учун курашиш шарт эмас дейди. Чунки бу жами реал иш ҳақининг ишчиларнинг турли гуруҳлари ўртасида қайта тақсимланишга олиб келади, унинг ўртача миқдори эса ўзгармайди. У иш ҳақини «ўзгартирмаслик» сиёсатини ўтказиш ва шу йўл билан нарх-наво ўсиши сабабини иш ҳақини ошириш талабларини йўққа чиқаришини таклиф этади. Унингча, ишчилар реал иш ҳақининг олди олинади. Капиталистларга эса реал иш ҳақини пасайтиришнинг аҳамияти тушунтирилади. Кейнс бундан ташқари номинал иш ҳақини пасайтиришга ҳам қарши эмас эди.

Республикамизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминланиши-Ўзбекистоннинг ўз янгиланиши ва тараққиёти йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойиллардан бири- кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширилаётганлигидир.

Ижтимоий сиёсат кенг мазмунга эга бўлиб, қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- даромадлар ва нарх сиёсати;
- кадрлар тайёрлаш ва аҳолини иш билан таъминлаш ёки бандлик сиёсати;
- аҳолига ижтимоий кўрсатиш сиёсати;

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда ижтимоий- иқтисодий ислохатларнинг бошиданоқ аҳоли даромадларидаги истеъмолидаги фарқлар кескинлашувининг олдини олишга, иқтисодит барқарорлашиб, ривожлана боргани сари мавжуд фарқларни қисқартириб боришга қаратилди.

Ижтимоий сиёсат турли хил иқтисодий ижтимоий «силкинишлар» дан (иш ўрнини йўқотган вақтларда даромадларнинг кескин қисқариши вақтинча ишга ишга ярамай қолиш бошқа вазифалар), ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, бундай сиёсатнинг аҳамияти бозор шароитида ниҳоятда муҳим.

Аҳолини иш билан таъминлаш ижтимоий сиёсатнинг ўзак йўналишларидан бири ҳисобланади. Бандликнинг ўсиши аҳоли турмуш ва даромадларнинг ошишини таъминлайди.

Иқтисодий ўсиш, мунтазам ривожланиш ҳамда бандликнинг кенгайиши бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши зарур. Бу борада Республикамизда амалий ишлар қилинмоқда. Янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш, асосан хусусий сектор ҳисобига амалга оширилмоқда. Кичик бизнес билан шуғулланиш аҳоли бандлиги ва ЯИМ ўсишини муҳим манбаидир. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда аҳолининг иш билан банд қисмининг 50 %дан ортиғи (Японияда 80%) кичик бизнес билан банддир.

Бозор муносабатлари шароитида аҳоли бандлигига эришиш бир мунча мушкуллик туғдиради. Лекин аҳолининг турмуш даражаси яхшилаш йўлида янги иш жойларини яратмоғимиз керак.

Биринчидан, кенг фаолият турлари, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорликни кенгайтириш учун шароит яратиш. Қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш, халқ истеъмол молларини тайёрловчи хусусий кичик корхоналарни ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, «... кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, Айни вақтда унинг аҳоли фаровонлигига ва даромадлари ортишида, ишсизлик муаммосини ечиш ҳам муҳим омилга айланишига эришмоғимиз лозим » ².

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт- пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000, 17-бет.

Иккинчидан, хизмат соҳасини ривожлантириш, аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий маиший хизмат ва қурилиш бўйича хизмат турларини анча кенгайтириш. Бунда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга эътиборни қаратилади.

Учинчидан, қишлоқда кенг тармоқли ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш, шу орқали янги иш жойларини очиш янги ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш.

Тўртинчидан, ишдан бўшаган ходимларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни ташкил этишни тубдан ўзгартириш. Бунда ишдан бўшаётган ва ихтисоси бўлмаган шахсларга қисқа даврда бозор иқтисодиётига ҳамда иқтисодиётнинг ўзгариб бораётган тузилишига муофиқ келувчи касбкорни ўргатишга эътибор қаратиш. Шу мақсадда махсус маслаҳат ва ўқув марказлари, бизнес мактабларнинг кенг тармоғини янада такомиллаштириш кўзда тутилади.

Бешинчидан, вақтинча ишга жойлаштириш имкони бўлмаган меҳнатга яроқли аҳолини давлат томонидан ишончли равишда ижтимоий ҳимоялаш.

Бандлик муаммосини ҳал этиш учу нуқорида таъкидлаганимиздек, кичик бизнесни ривожлантириш негизида кичик корхоналар салмоғини оширишимиз керак.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда, кичик ва хусусий корхоналарнинг аҳоли сонига нисбатан таққосланишига мазмун жиҳатдан кўпроқ демографик жараёнларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг туркумига яқин, бироқ бу ўринда аҳоли эмас, балки корхоналар демографияси яъни юридик шахс ҳисобланувчи корхона, ва ташкилотлар сонини динамикаси эътиборга олинади. Шунга кўра. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонида «Хўжалик юритувчи субъектлар демографиясининг асосий кўрсаткичлари» маълумотномасида ҳар минг кишига тўғри келувчи кичик бизнес субъектлари сони кўрсаткичидан фойдаланилади.

Иқтисодиётдаги якка ҳукмронликни олдини олишда кичик бизнес субъектлари сони бекиёсдир. Шундагина соғлом рақобат вужудга келади. Соғлом рақобатни вужудга келтириш учун баъзи тармоқда бир неча ўнлаб корхоналар сони етарли бўлмаса, баъзи бирларида бир неча корхонанинг бўлиши кифоя ҳисобланади. Ҳатто, табиий монополия шароитидаги тармоқда рақобат муҳитини вужудга келтириш учун бир неча нисбатан майда корхоналарнинг ташкил этилиши ишлаб чиқариш миқёси самараси нуқтаи назаридан ўзини оқламаслиги мумкин. Шунга кўра, бугунги кунда, ҳар бир иқтисодиётнинг тармоғи табиати ва ривожланиш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, ташкил этилиши зарур бўлган корхоналар белгилаб берилиши долзарб ҳисобланади.

Кичик бизнес корхоналари томонидан амалга оширилувчи вазифалардан яна бири янги-янги ишчи ўринларини яратиш ва иккиламчи банликни таъминлашдан иборат. Иқтисодиётни самарали ривожланишида ишчи кучининг тўла бандлиги муҳим ҳисобланиб бунга доимий равишда ҳам эришиб бўлмайди. Ишчи кучи таркибидаги ўзгаришлар, техника ва технологик тараққиёт, иқтисодиётни цикллари ривожланиши ўз навбатида, ишчи кучи бандлигига таъсир кўрсатади. Вужудга келган номутаносибликни бартараф этишда янги иш ўринларини яратиш муҳим ҳисобланади. Агар мураккаб техника технологияга асосланувчи йирик корхоналарга кўп маблағ талаб этилса, бу борада кичик корхоналарнинг имкониятлари даражаси юқори ҳисобланади.

Кичик бизнеснинг навбатдаги вазифаси йирик ишлаб чиқариш учун самарасиз ҳисобланувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишдан иборат. Бунда нафақат аҳоли учун истеъмол моллари ва хизматлар кўрсатиш балки, йирикишлаб чиқариш учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг бир бўлагига айланиш яъни кооперация алоқаларини йўлга қўйиш ҳам назарда тутилади.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозимки, кичик бизнес корхоналари учун барқарор иш ҳажмига эга бўлиш муаммоли жараён

ҳисобланади. Шунга кўра, кўплаб ривожланган хорижий мамлакатлар иқтисодий сиёсатида кичик бизнес корхоналарини давлат буюртмалари орқали таъминлаш амалиёти бу соҳани қўллаб- қувватлашнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида қўлланилади.

Ҳар бир тармоқдаги йирик корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнлари таҳлил қилиниб, уларнинг иқтисодий томондан самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан кичик корхоналар зиммасига юклатилиши мумкин бўлган иш ҳажмлари ўзаро маанфаатли асосида берилиш механизмини ишлаб чиқиш керак. Бу тадбир ҳозирги кунда бор бўлган ва фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналари билан бир қаторда кооперация алоқалирини яратилиш билан ташкил этилиши тақозо этилувчи янги корхоналарни аниқлаш имконини беради.

1.3. Кичик бизнес фаолиятини баҳолаш услулари

Кичик бизнеснинг ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллардан бири сифатида унга хизмат қилувчи инфратузилма тизимини айтиб ўтишимиз мумкин. Яъни уларни кичик бизнесга таъсирини тўғри баҳолаш учун атрофлича таҳлил этиш талаб этилади. Таҳлил жараёнида кичик бизнес субъектлари фаолияти ўзгаришига инфратузилма объектлари сони ва фаолиятидаги ўзгаришлар кенг таққослама тарзда ҳамда нисбий кўрсаткичлар асосида ўрганилади.

Кичик бизнес фаолияти ва унга хизмат қилувчи инфратузилма ташкилотлари даражасини ўрганувчи кўрсаткичларни иккига ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир, яъни:

1. Миқдорий кўрсаткичлар.
2. Самарадорлик кўрсаткичлари.

Миқдорий кўрсаткичлар сифатида кичик бизнес ва инфратузилма объектлари сони, ишчи кучи, иш билан бандлик даражаси каби бир қатор кўрсаткичлар ўрганилса, самарадорлик кўрсаткичлари сифатида кичик бизнес фаолияти ва инфратузилма объектларининг ўзаро таъсирлари ҳамда уларнинг натижалари таҳлил қилинади.

Миқдорий кўрсаткичлар сифатида қуйидагиларни ўрганамиз:

1. Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг ўсиш суръати;

$$КБ \text{ 'ўс.сур.} = \frac{КБ^{t}_{Т.Х} - КБ^{t-1}_{Т.Х}}{КБ^{t-1}_{Т.Х}} \cdot 100\%. \quad (1)$$

Бу ерда, $КБ \text{ 'ўс.сур.}$ - кичик бизнеснинг ҳисобот давридаги ишлаб чиқарган маҳсулотининг ўсиш суръати.

$КБ^{t}_{Т.Х.}$ - кичик бизнеснинг ҳисобот давридаги яратган товар ва хизматлари ҳажми:

$КБ^{t-1}_{Т.Х.}$ - кичик бизнеснинг ҳисобот давридан 1 йил аввалги яратилган товар ва хизматлари ҳажми.

2. КБ субъектлари томонидан яратилган товар ва хизматларнинг тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати.

$$КБ^i \text{ ўс.сур.} = \frac{КБ^{it} \text{ т.х} - КБ^{i-1} \text{ т.х}}{КБ^{i-1} \text{ т.х}} \cdot 100\%. \quad (2)$$

Бу ерда, $КБ^i \text{ ўс.сур.}$ - кичик бизнеснинг i -тармоғини ҳисобот давридаги ишлаб чиқарган маҳсулотининг ўсиш суръати;

$КБ^{it} \text{ т.х.}$ - кичик бизнеснинг i -тармоғини ҳисобот давридаги ишлаб чиқарган маҳсулотлари ҳажми;

$КБ^{i-1} \text{ т.х.}$ - кичик бизнеснинг i -тармоғини ҳисобот давридан 1 йил аввалги ишлаб чиқарган маҳсулоти ҳажми.

3. Кичик бизнесга киритилган инвестицияларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотга нисбати:

$$КБ^t \text{ и.н.} = \frac{КБ^t \text{ и.х.}}{КБ^t \text{ т.х.}} \cdot 100\%. \quad (3)$$

Бу ерда, $КБ^t \text{ и.н.}$ - кичик бизнеснинг ҳисобот давридаги инвестициянинг маҳсулотларига нисбати;

$КБ^t \text{ и.х.}$ - ҳисобот давридаги кичик бизнесга киритилган инвестиция ҳажми.

4. Кичик бизнес субъектлари сонининг ўсиш суръати:

$$КБ^t \text{ суб.ўс.} = \frac{КБ^t \text{ суб.} - КБ^{t-1} \text{ суб.}}{КБ^{t-1} \text{ суб.}} \cdot 100\%. \quad (4)$$

Бу ерда $КБ^t \text{ суб.ўс.}$ - ҳисобот давридаги кичик бизнес субъектларининг ўсиш суръати;

$КБ^t \text{ суб.}$ - ҳисобот давридаги кичик бизнес субъектлари сони;

$КБ^{t-1} \text{ суб.}$ - ҳисобот давридан 1 йил аввалги кичик бизнес субъектлари сони.

5. Кичик бизнесда иш билан банд бўлганлар сонининг ўсиш суръати:

$$КБ^t \text{ банд.ўс.} = \frac{КБ^t \text{ банд.} - КБ^{t-1} \text{ банд.}}{КБ^{t-1} \text{ банд.}} \cdot 100\%. \quad (5)$$

Бу ерда, $КБ^t \text{ банд.ўс.}$ - кичик бизнесда ҳисобот даврида иш билан бандлик даражасининг ўсиш суръати;

КБ^t банд. - ҳисобот давридаги кичик бизнесда иш билан банд бўлганлар сони;

КБ^{t-1} банд. - ҳисобот давридан 1 йил аввалги даврда кичик бизнесда иш билан банд бўлганлар сони.

6. Кичик бизнесга хизмат қилувчи инфратузилма объектлари сонининг ўсиш суръати:

$$\text{КБ}^t \text{ инф.ўс.} = \frac{\text{КБ}^t \text{ инф.} - \text{КБ}^{t-1} \text{ инф.}}{\text{КБ}^{t-1} \text{ инф.}} \cdot 100\%. \quad (6)$$

Бу ерда, КБ^t инф.ўс. - кичик бизнесга хизмат қилувчи инфратузилма объектларининг ҳисобот давридаги ўсиш суръати;

КБ^t инф. - кичик бизнесга хизмат қилувчи инфратузилма объектларининг ҳисобот давридаги сони;

КБ^{t-1} инф. - кичик бизнесга хизмат қилувчи инфратузилма объектларининг 1 йил аввалги давридаги сони.

7. Кичик бизнесга хизмат қилувчи инфратузилма объектларининг турлари бўйича ўсиш суръати:

$$\text{КБ}^{it} \text{ инф.сур.} = \frac{\text{КБ}^{it} \text{ инф.} - \text{КБ}^{it-1} \text{ инф.}}{\text{КБ}^{it-1} \text{ инф.}} \cdot 100\%. \quad (7)$$

Бу ерда, КБ^{it} инф.сур. - кичик бизнесга хизмат қилувчи i-тур инфратузилма объектининг ҳисобот давридаги ўсиш суръати;

КБ^{it} инф. - кичик бизнесга хизмат қилувчи i-тур инфратузилма объектининг ҳисобот давридаги сони;

КБ^{it-1} инф. - кичик бизнесга хизмат қилувчи i-тур инфратузилма объектининг ҳисобот давридан 1 йил аввалги сони.

8. Кичик бизнесга хизмат қилувчи инфратузилма объектларининг минтақалар бўйича ўсиш суръати:

$$\text{КБ}^{jt} \text{ инф.ўс.} = \frac{\text{КБ}^{jt} \text{ инф.} - \text{КБ}^{jt-1} \text{ инф.}}{\text{КБ}^{jt-1} \text{ инф.}} \cdot 100\%. \quad (8)$$

Бу ерда, КБ^{jt} инф.ўс. - кичик бизнесга хизмат қилувчи объектнинг j-минтақадаги сонининг ўсиш суръати;

KB^j инф. - кичик бизнесга хизмат қилувчи инфратузилма объектининг ҳисобот давридан j -минтақадаги сони;

KB^{j-1} инф. - кичик бизнесга хизмат қилувчи инфратузилма объектининг ҳисобот давридан 1 йил аввалги даврида j -минтақадаги сони.

Юқоридаги кўрсаткичлар асосида олинган натижавий кўрсаткичлар фақат миқдорий ҳолатнинг бир турдаги кўрсаткичини аввалги йилга нисбатан ўзгаришини ифодалайди. Улар асосида кичик бизнес фаолиятини ёки унга хизмат қилувчи инфратузилма объектлари ҳолатини фақат ижобий ёки салбий ўзгаришда эканлигини аниқлаш имкониятига эга бўламиз. Ижобий ёки салбий ҳолатни ифодалаш учун эса самарадорлик кўрсаткичларини ўрганиш ва таҳлил қилиш лозим.

Умуман, самарадорлик бу - олинган натижани қилинган сарф харажатга нисбати асосидаги кўрсаткичларидир. Бизнинг фикримизча, инфратузилма объектлари сони ўзгариши бевосита харажатни ифода этмасида, лекин билвосита ҳолатда, яъни улар сонининг ўсиши ва ўзгаришида кўшимча харажат ётади. Шунингдек, инфратузилма фаолияти самарадорлигини биз кичик бизнесга тегишли бўлган кўрсаткичларни улар учун хизмат кўрсатишда фаол банд бўлган инфратузилмага нисбати асосидаги кўрсаткич сифатида талқин этмоқдамиз.

Кичик бизнес инфратузилмаси тизими фаолиятининг самарадорлигини қуйидаги кўрсаткичлар асосида ёритиш мумкин:

1. Кичик бизнесга хизмат қилувчи инфратузилма объектлари ўсиш суръати ёки улар томонидан кўрсатилган хизматлар қийматининг ўсиш суръати натижасида кичик бизнес томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар ўсиш суръати даражаси ўзгариши самарадорлиги:

$$IT^t \text{ об.т.х.} = \frac{KB^t_{\text{ус.сур.}}}{KB^t_{\text{инф.ус.сур.}}} \quad (9)$$

Бу ерда, IT^t об. - инфратузилма объектлари сонининг ўзгариши натижасида кичик бизнес ишлаб чиқаришининг ўсиш суръати даражасини,

яъни 1% объектлар сони ўзгариши неча фоиз кичик бизнес ишлаб чиқаришини ўзгартириши аниқланади;

КБ^т ўс.сур. - ҳисобот даврида кичик бизнес томонидан яратилган товар ва хизматларнинг ўсиш суръати;

КБ^т инф.сур. - кичик бизнесга хизмат қилувчи инфратузилма объектлари сонининг ҳисобот давридаги ўсиш суръати;

2. Кичик бизнесга хизмат қилувчи инфратузилма объектлари сони ёки улар хизмати қийматини кичик бизнес субъектлари сонининг ўзгариши самарадорлиги:

$$ИТ^t \text{ об.сон.} = \frac{КБ^t \text{ суб.ус}}{КБ^t \text{ инф.ус.}} \quad (10)$$

Бу ерда, $ИТ^t \text{ об.сон.}$ - кичик бизнесга хизмат қилувчи инфратузилма объектлари сонининг ўзгариши, яъни 1%га инфратузилма объектлари сони ўзгариши неча бирлик кичик бизнес сони ўзгаришига олиб келишини ифодалайди;

КБ^т суб.ўс. - кичик бизнес субъектлари сонининг ҳисобот даврида ўсиш суръати.

3. Кичик бизнесга хизмат қилувчи инфратузилма объектлари сони ёки улар фаолияти натижасида кичик бизнесдаги иш билан бандлик даражасининг ўзгариш самарадорлиги:

$$ИТ^t \text{ об.банд.} = \frac{КБ^t \text{ б.ус}}{КБ^t \text{ инф.ус.}} \quad (11)$$

Бу ерда, $ИТ^t \text{ об.банд.}$ - кичик бизнесга хизмат қилувчи инфратузилма объектлари сонининг ўзгаришини кичик бизнесда иш билан банд бўлганлар сонининг ўзгариши бўйича самарадорлиги;

КБ^т б.ўс. - кичик бизнесда ҳисобот даврида иш билан банд бўлганларнинг ўсиш суръати.

4. Кичик бизнесга хизмат қилувчи объектларининг таркиби бўйича самарадорлиги:

$$ИТ^t \text{ айтс.вб.} = \frac{КБ^t \text{ суб.ус}}{КБ^t \text{ инф.ус.}} \quad (12)$$

Бу ерда, $ИТ^t$ айтс.вб. - кичик бизнесга хизмат қилувчи вилоятдаги инфратузилма объектлари сонининг ўзгариши амалда кичик бизнес субъектлари сони ўзгариши самарадорлиги;

$КБ^t$ суб.ўс. - кичик бизнес субъектларининг ҳисобот давридаги сони ўсиш суръати;

$КБ^{it}$ инф.ўс. - кичик бизнесга хизмат қилувчи i -тур инфратузилма объектининг ҳисобот давридаги ўсиш суръати;

5. Кичик бизнесга хизмат қилувчи инфратузилма объектининг ҳудудий самарадорлиги:

$$ИТ^t \text{ об.минт.} = \frac{КБ^{jt} \text{ суб.ус}}{КБ^{jt} \text{ инф.ус.}} \quad (13)$$

Бу ерда, $ИТ^t$ об.минт. - кичик бизнесга хизмат қилувчи инфратузилма объектининг ҳудуддаги ўзгариши ушбу минтақада кичик бизнес субъектлари сонининг ўзгаришига таъсири самарадорлиги;

$КБ^{jt}$ суб.ўс. - j - ҳудуддаги кичик бизнес субъектлари сонининг ҳисобот давридаги ўсиш суръати;

$КБ^{jt}$ инф.ўс. - j - ҳудуддаги инфратузилма объектлари сонининг ҳисобот давридаги ўсиш суръати

Юқоридаги кўрсаткичларни ўрганиш асосида ҳудудда мавжуд инфратузилма объектларининг ҳам миқдорий ўзгариши, ҳам фаолият даражаси ўзгариши кичик бизнеснинг умумий фаолиятига қандай таъсир этиши тадқиқ этилади. Олинган натижа бўйича кичик бизнес фаолиятини вилоятда ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имкониятига эга бўламиз. Шунингдек, инфратузилманинг таркибий ривожланиши ва туманлар бўйича тақсимотини ҳам кичик бизнес фаолиятига таъсир даражасини ўрганиш бугунги кунда янада ривожлантириш зарур

бўлган инфратузилма объектлари турини аниқлашга ёрдам беради. Олинган ҳисоб-китоб натижалари асосида кичик бизнесга хизмат қилувчи инфратузилманинг қандай турини ривожлантириш зарурати аниқланади. Яъни, инфратузилма таркибидаги бир тур бўйича сонлар ўзгариши кичик бизнесни у ёки бу даражада ўзгартиради, натижа эса, инфратузилма турлари таркибидан эътибор бериш талаб этиладиган турини аниқлаш имкониятини беради. Булар ўз навбатида инфратузилма фаолияти самарадорлигининг ортишига, натижада эса, кичик бизнес ривожига олиб келади ва ЯХМ ўсиб, вилоят иқтисодиёти барқарор ривожланади.

2 БОБ. Андижон вилоятида кичик бизнес ва меҳнат бозорининг ҳозирги ҳолати

2.1. Вилоят меҳнат бозорининг таҳлили

Меҳнат бозори – бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, унда амалга ошадиган иқтисодий жараёнлар ишлаб чиқаришнинг асосий таркибий қисми бўлган ишчи кучини айирбошлаш муносабатлари билан боғлиқ. Демак, меҳнат бозори дейилганда ишчи кучини сотиш, сотиб олиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуаси тушунилади.

Меҳнат бозорида ишчи кучининг қиймати баҳоланиши билан бирга уни ёллаш, иш ҳақининг миқдори, меҳнат шароитлари, таълим олиш ва касб маҳоратини ўстириш имкониятлари, иш билан бандлик кафолатлари ва бошқа бир қатор шартлар аниқланади. Меҳнат бозори аҳолини иш билан бандлик даражаси, унинг тармоқлар, касб-малака, демографик ва хоказо кўрсаткичлар бўйича тақсимланиши, ишсизликнинг кўлами ва ўзгариши каби асосий жараёнларни акс эттиради.

Меҳнат бозорининг фаолият кўрсатишидаги бир нечта муҳим қоидаларини қайд қилиб ўтиш мумкин. Биринчидан, бу меҳнат бозоридаги иш кучига талаб билан тақлиф ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг мажмуидир. Иккинчидан, турли иқтисодий ва ижтимоий манфаатлар ҳамда функцияларнинг туташган жойидир. Учинчидан, корхоналар нуктаи назаридан олганда, унинг фирма доирасида бошқа иш жойига ўтишни ўйлаётган ходимларнинг ўзаро муносабатда бўлиш майдонидир.

Меҳнат бозори таърифи ва хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг асосий элементларини аниқлаш мумкин: булар – меҳнат бозори субъектлари; меҳнат бозорида субъектларнинг муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий жихатлар; бозор конъюнктураси; аҳоли бандлиги хизмати; меҳнат бозори инфратузилмаси; ижтимоий ҳимоя тизими ва бошқалардир.

Меҳнат бозорининг асосий субъектлари иш берувчилар билан ёлланма ходимлардир.

Иш берувчи – ёлловчи бўлиб, у мулкчиликнинг қонунлаштирилган тузилмасига боғлиқ равишда турли «қиёфа»да намоён бўлиши мумкин. Иш берувчи: давлат корхоналари, хиссадорлик жамиятлари, жамоат ташкилотлари, жамоа хўжаликлари, хусусий корхоналар, хўжалик ассоциацияси, кооперативлар, қўшма корхоналар, яқка тартибдаги ёлловчилар ва шу кабилар бўлиши мумкин.

Андижон вилоятида мавжуд аҳоли сони 2009 йилда 2530,3 минг кишини ташкил этган бўлса, 2010 йилда 102,6% га ёки 66,3 минг кишига ўсиб 2596,6 минг кишига етган. 2011 йилда аввалги йилдаги ҳолатидан 104,5% га ўсиб 2714,2 минг кишига тенг бўлган.

Меҳнат ресурсларининг сони 2009 йилда 1490,9 минг кишига тенг бўлган бўлса, 2010 йилда 1536,2 минг кишига етиб, аввалги йилга нисбатан 45,3 мингга кўпайиб, 103% га ўсган. 2011 йилда ҳам ушбу ижобий ўзгариш давом этгани ҳолда 28 мингга ёки 101,8% га ўсиш юз берган ва 1564,2 минг кишини ташкил қилган.

Иқтисодий фаол аҳоли 2009 йилда 1118,1 минг киши, 2010 йилда 1145 минг киши ва 2011 йилда 1162 минг кишиларни ташкил қилган. 2010 йилда аввалги йилга нисбатан 102,4% га ёки 26,9 минг кишига ўсиш кузатилган бўлса, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 101,5% га ўсиб, 17 минг кишига кўпайган.

Иш билан банд бўлганлар сони 2009 йилда 1079,1 минг киши бўлган. 2010 йилда 1112 минг кишига етиб, 103% га ёки 32,9 минг кишига ўсиш кузатилган. 2011 йилда 102,9% га ўсиб, 32,7 минг кишига ортган ва 1144,7 минг кишини акс эттирган.

Расмий ишсизлар сони эса 2009 йилдаги 871 кишидан 2010 йилда 1378 кишигача етди. Яъни, 507 кишига ортиб 158,2 фоизли ўсишни ифодалади. 2011 йилда расмий ишсизлар сони кескин ортиб аввалги йилга нисбатан 1598

кишига ёки 216% га ортиқ ҳолатни ифодалаб 2976 кишини ташкил қилган (2.1.1-жадвал).

2.1.1-жадвал

Андижон вилоятида меҳнат бозори ҳолати

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2010 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши		2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
						+	-	+	-
1	Аҳоли сони	Минг киши	2530,3	2596,6	2714,2	66,3	102,6	117,6	104,5
2	Меҳнат ресурслари	Минг киши	1490,9	1536,2	1564,2	45,3	103,0	28	101,8
3	Иқтисодий фаол аҳоли	Минг киши	1118,1	1145	1162	26,9	102,4	17	101,5
4	Иш билан банд бўлганлар	Минг киши	1079,1	1112	1144,7	32,9	103,0	32,7	102,9
5	Расмий ишсизлар	Киши	871	1378	2976	507	158,2	1598	216,0

Манба: Андижон вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Ёлланма ходимлар – булар эркин фуқаролар бўлиб, ёлланиб ишлаш улар учун тирикчилик воситаларини ишлаб топиш ва ўз-ўзидан кўпайиш манбаи ҳисобланади. Иш берувчилар учун улар жинси, ёши, малакаси, ижтимоий мақоми ва бир қатор ижтимоий ҳосил қилинган сифатлари

(жавобгарликни хис қилиши, ишчанлиги, интизомлилиги, тадбиркорлиги ва хоказо) билан турли даражада кадрлидир.


Меҳнат бозоридаги муносабатлар тизими учта асосий таркибий қисмдан ташкил топади:

- ёлланма ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги муносабатлар;
- меҳнат бозори субъектлари билан вакиллар (касаба уюшмалари, иш берувчиларнинг уюшмалари, бандлик хизматлари) ўртасидаги муносабатлар;
- меҳнат бозори субъектлари билан давлат ўртасидаги муносабатлар.

Меҳнат бозори барча элементларининг мавжудлиги ва ўзаро алоқаси мазкур бозорнинг фаолият кўрсатиши учун зарурдир. Меҳнат бозори қуйидаги бир қатор функцияларни бажаради:

- иш берувчилар ва ёлланма ходимларнинг учрашувларини ташкил этиш;
- меҳнат бозорида иш берувчилар ўртасида ҳам, ёлланма ходимлар ўртасида ҳам рақобатларни таъминлаш;
- иш ҳақининг мутаносиб ставкаларини белгилаш;
- аҳолининг бандлиги масалаларини ҳал қилиш;
- халқ хўжалигида иш кучини ишлаб чиқариш тармоқлари ва соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш ва банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш йўли билан ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш.

Андижон вилоятида меҳнат бозорини янада тўлиқ ўрганиш учун иш билан бандлик даражасининг ҳолатини тадқиқ этиш лозим. Ушбу кўрсаткичнинг қийматлари 2009-2011 йилларда ижобий ўзгаришларни акс эттирган бўлиб, 2009 йилда 72,4% ишчи кучи турли соҳа ва тармоқларда фаолият олиб борганлар. 2010 йилда ҳам ушбу ҳолат 72,4% ни акс эттирган. 2011 йилда иш билан бандлик даражаси 73,2% ни ифодалаб, аввалги йилга нисбатан 0,8% ортиқ ҳолатни акс эттирган (2.1.1-расм).



Манба: Андижон вилояти статистика боқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2.1.1-расм. Андижон вилоятида иш билан бандлик даражаси (фоизда).

Бозор конъюнктураси – бу меҳнат бозори таркибини барча ташкил этувчилар доирасида талаб ва таклифнинг нисбатидир. У иқтисодиётнинг аҳволига (юксалиши ёки таназзулига); хўжаликнинг тармоқ тузилишига; техник базасининг ривожланиш даражасига; фаровонликка (аҳоли даромадлари даражаси, шу жумладан киши бошига тўғри келадиган даромад даражасига); товарлар, хизматлар, уй-жой, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига; ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси аҳволига; иқтисодиётнинг кўп укладлилигининг ривожланиш даражасига; интеграцион алоқалар (тармоқ ва ҳудудий алоқалар)нинг ривожланиш чора-тадбирларига қараб қарор топади. Бундан ташқари, унга демографик, этник-ижтимоий, сиёсий, экологик ва бошқа айрим омиллар таъсир кўрсатади.

Андижон вилоятида ишсиз сифатида иш сўраб мурожаат этганлар сони 2009 йилда 55050 кишини ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич 12150 кишига ортиб 122,1% га ўсган ва 67200 кишини акс

эттирган. 2011 йилга келиб 68236 кишини ифодалаб, аввалги йилдаги ҳолатидан 1036 кишига ёки 101,5% га ўсган.

Шулардан ишга жойлаштирилганлар сони 2009 йилда 49301 киши, 2010 йилда 59600 киши, 2011 йилда 62577 киши. 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 10299 кишига ортиб 120,9 фоизли ўсишни ифодалаган бўлса, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 2977 кишига ўсган ёки 105% га ортган.

Янги яратилган иш ўринлари сони 2009 йилда 77889 ўринга тенг бўлган. 2010 йилда ушбу кўрсаткич 7137 бирликка ортиб 109,2% га ўсган. 2011 йилда аввалги йилдаги ҳолатидан 4380 бирликка ёки 5,2% га пасайиб 80646 ўринга тенг бўлган (2.1.2-жадвал).

2.1.2-жадвал

Андижон вилоятида меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2010 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши		2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
						+	-	+	-
1	Иш сўраб мурожаат этганлар	Киши	55050	67200	68236	12150	122,1	1036	101,5
2	Ишга жойлаштирилди	Киши	49301	59600	62577	10299	120,9	2977	105,0
3	Янги иш ўринлари яратилди	Ўрин	77889	85026	80646	7137	109,2	4380	94,8
4	Шу жумладан: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосида	Ўрин	26612	30742	33050	4130	115,5	2308	107,5

Манба: Андижон вилояти сатистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатга қараб меҳнат бозори конъюнктураси уч турда бўлиши мумкин:

- меҳнат тақчил бўлган бозор; унда меҳнатни таклиф қилишда етишмовчиликлар бошдан кечирилади;
- меҳнат ортиқча бўлган бозор; унда кўп миқдорда ишсизлик мавжуд бўлади ва тегишли равишда меҳнат таклифи ортиқча бўлади;
- мувозанатли бозор; унда меҳнатга бўлган талаб, уни таклиф қилишга мувофиқ келади.

Биздаги меҳнат бозорининг жорий конъюнктураси меҳнат талаби ва таклифга нисбатан айрим номутаносибликлар билан ажралиб туради, булар вақтинчалик хусусиятга эга бўлиб, ходимларнинг корхоналар, иқтисодиёт секторлари ўртасидаги ҳаракатини секинлаштиради.

Рақобат меҳнат бозорида кўп миқдордаги мустақил харидорлар ва сотувчилар мавжудлигидан далолат беради, бу эса уларнинг меҳнат бозорига эркин равишда кириш ва уни тарқ этиш имконини беради. Рақобат – ҳар қандай бозор механизмининг таркибий қисмларини ташкил этувчи омилдир. Соф рақобат бозори кўп миқдордаги харидорлар (фирмалар) мавжудилигини кўрсатади, харидорлар муайян меҳнат турини ёллашда бир-бирлари билан рақобат қиладилар; бир хил малакага эга бўлган кўпдан-кўп ходимлар бир-бирларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз меҳнатларини таклиф этадилар; фирмалар ҳам, ходимлар ҳам иш ҳақи ставкаларини назорат қилмайдилар.

Меҳнат бозорини тўлақонли ишлаши учун ривожланган инфратузилма талаб қилинади. Меҳнат бозори инфратузилмаси – бу давлат муассасалари, бандликка кўмаклашувчи нодавлат тузилмалари, корхоналар ва фирмаларга кадрлар билан хизмат кўрсатиш, меҳнат бозоридаги талаб билан таклиф ўртасидаги энг самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлайдиган жамоат ташкилотлари ва жамғармалар кабилардир. Инфратузилма иш кучининг баҳоси, меҳнат шароити ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш хусусида иш берувчи билан ходим ўртасидаги муносабатларни тартибга солиши,

шунингдек меҳнат бозорида иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнларини ташкил этиш ва тартибга солиш лозим.

2.2. Иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти таҳлили

Иқтисодиётда хом ашё эмас балки тайёр рақобатбардош маҳсулот реализацияси самарали ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этишни бугунги кундаги йўлларида бири вилоятда кичик бизнесни ривожлантириш ва уларни янада кенгайтириш асосида кичик бизнес субъектлари сонини ошириш учун кенг йўл очишдир. Натижада вилоятда мавжуд меҳнат ресурсларининг иш билан бандлиги ўсади ҳамда, тайёр рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш асосида ички ва ташқи бозорларга реализация қилиш йўлга қўйилади.

2.2.1 - жадвал

Андижон вилоятида кичик бизнес фаолиятининг асосий кўрсаткичлари


Кўрсаткичлар	2009 Йил	2010 Йил	2011 Йил	2010 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши		2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
				+	-	+	-
Кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши (фоиз ҳисобида)	51,2	54,7	56,3	3,5	106,8	1,6	102,9
Ҳудуд иқтисодиётида бандликдаги кичик бизнеснинг улуши (фоиз ҳисобида)	81	81,2	81,5	0,2	100,2	0,3	100,4
Фаолият кўрсатаётган корхоналар сони (бирлик)	33976	35862	36107	1886	105,6	245	100,7

Манба: Андижон вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Оқибатда аҳоли даромади ўсиб, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар улуши ортади. Бу эса ўз навбатида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсишига, вилоят иқтисодиётини барқарор ривожланишига олиб келади.

Андижон вилоятида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотдаги кичик бизнесни улуши 2009 йилда 51,2% га тенг бўлган бўлса, 2010 йилга келиб 3,5 бирликка ортиб 54,7% ни ташкил қилган. 2011 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич 56,3% га тенг бўлди. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иш билан банд бўлганларнинг улуши 2009 йилда 81% га, 2010 йилда 81,2% га ҳамда 2011 йилда 81,5% га тенг бўлган (2.2.1-жадвал).

Кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, кичик бизнесни ЯХМдаги улушини ошириш чораларини қўллашни талаб этади. Унда асосан интенсив йўллардан фойдаланиш лозим бўлиб, уларга: кичик бизнес субъектлари фаолиятига янги техника-технологияларни киритиш ҳисобига уларда мавжуд иш ўринлари ўзгаришсиз ҳолда ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматлар ҳажмини ўстириш; ишчи кучидан унумли ва мақсадли фойдаланиш асосида улар томонидан яратилган товар ва хизматлар ҳажмини ошириш кабилардир.



Манба: Андижон вилояти статистика боқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2.2.1-расм. Андижон вилоятида мавжуд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони (бирликда).

Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони 2009 йилда 33976 тани ташкил этган. 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич 1886 тага ортиб, 105,6% га ўсган ва 35862 тани ташкил қилган. 2011 йилда

аввалги йилга нисбатан 245 тага ёки 100,7% га ўсиб 36107 тага тенг бўлган (2.2.1-расм).


Вилоят иқтисодиётида мавжуд кичик бизнес субъектлари фаолиятини асосий кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда йирик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматлар ҳажми нисбатан юқори эканлигини айтиб ўтишимиз мумкин. Чунки, вилоятда яратилган ЯХМ даги кичик бизнесни улушидан қолган қисми йирик корхоналарга тегишли бўлиб, уларнинг йиллик камайиб бориши (ЯХМдаги улушини) иш билан бандликдаги камайишдан ортда қолмоқда. Бунинг сабаби сифатида, йирик корхоналарда яратилаётган янги иш ўринларига нисбатан кичик бизнесда яратилаётган янги иш ўринлари ўсиши юқори ҳолатга эгалигидир.

Юқоридагилар асосида қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин. Кичик бизнесда ЯХМни меҳнат омилига нисбатан ўрганилганда самарасиз эканлиги аниқланди, бунинг асосий сабаби, капитал билан таъминланганлик даражасини пастлигидир. Лекин йирик бизнесда капитал билан таъминланганлик юқори бўлсада унинг самарадорлиги кичик бизнес билан таққослама тадқиқ этилганда пастдир. Шунингдек, капитал омилининг асосий ҳажми ҳам йирик бизнесга тегишлидир. Юқорида айтиб ўтганимиздек, янги яратилган иш ўринларининг асосий қисми кичик бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда.

Кичик бизнес субъектлари ўртасида рақобат муҳити айниқса, кучли омил ҳисобланади. Бозор муносабатлари ривожлана бошлаган ва ўтиш босқичидаги мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам кичик бизнес субъектларининг бозордаги рақобатини ривожлантиришда муҳим ҳисобланади. Улар бозорда зудлик билан рақобат муҳитини яратадилар. Ҳақиқатда ҳам бир томондан кичик бизнесда рақобатнинг кучайиши маркетинг шаклланиши, таклифни кенгайтириши кабилар баҳо тизимига таъсир қилса, иккинчи томондан эса, кичик бизнес субъектларининг миқдор жиҳатидан кўплиги туфайли йирик корхоналарга нисбатан анча тез монополияни бартараф қила олиш имкониятига эгадирлар. Бу борада эса у,

айниқса, бозорни зудлик билан ўргана олади. Яъни, товарлар тақчиллигини шиддат билан бартараф этади. Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг қайси тармоғини кўзатсак, албатта, бу тармоққа ихтисослашаётган кичик бизнес субъектларини кўришимиз мумкин. Бу ўз-ўзидан бозор механизми турли омилларининг ҳаракат қилаётганидан далолат беради. Шундай бўлсада фаолиятини тўхтатаётган кичик бизнес субъектлари сони ҳам юқорилигича қолмоқда.

Андижон вилоятида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг улуши йилдан йилга ижобий ўзгаришларни ифодаляётган бўлсада, лекин фаолиятини тўхтатаётганлар ҳам юқори ҳолатни ифодалямоқда. 2009 йилда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларини жами рўйхатдан ўтганлардаги улуши 95% ни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда 95,5% га тенг бўлиб, ижобий ўзгаришни акс эттирган. 2011 йилда ушбу кўрсаткич яна ҳам ижобийлашиб 86,1% га етган (2.2.2-расм).




Манба: Андижон вилояти статистика боқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2.2.2-расм. Андижон вилоятида жами рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари таркибидаги фаолият юритаётганлар улуши (фоизда).

Кичик бизнес субъектлари томонидан саноат тармоғи маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўстириш лозим. Чунки саноат тармоғи бошқа тармоқларга нисбатан иш билан бандликни тез ўстирувчи ва меҳнат унумдорлиги юқори тармоқ ҳисобланади. Шу билан бирга, хорижга товарлар экспорт қилишда ҳам тайёр рақобатбардош товарлар улуши ортиши ЯХМ ўсишига бевосита таъсир этади.

2.3. Кичик бизнес ва меҳнат бозори фаолиятига инфратузилманинг таъсири таҳлили

Инфратузилма хизмат кўрсатиш соҳасига кўра ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший инфратузилмага ажралади. Инфратузилма хизматларини характериға кўра гуруҳлашда бозор инфратузилмаси ажралиб туради. Чунки унда бозор муносабатларини амалға оширишни таъминловчи хизматлар кўрсатилади. Қайси даражада хизмат кўрсатишиға кўра корхона, тармоқ, ишлаб чиқариш мажмуалари ва ҳудудий инфратузилма ҳам мавжуд. Инфратузилма соҳасида яратилган хизматлар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш учун наф келтиради. Инфратузилма томонидан хизмат кўрсатилишини ташкил этиш учун маблағлар сарфланади. Шу боис улар ҳисобланади ва ЯИМ таркибига киритилади.



Манба: Андижон вилояти статистика боқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2.3.1-расм. Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига яратилган янги иш ўринлари (ўринда).

Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига яратилган янги иш ўринлари сони йилдан-йилга ортиб, ўсиб бормокда. Ушбу кўрсаткич 2009 йилда 26612 иш ўрнига тенг бўлган бўлса, 2010 йилда 4130 иш ўрни ортиб, 115,5% га ўсган ва 30747 иш ўринини акс эттирган. 2011 йилда эса 33050 иш ўрнигача ортиб, аввалги йилга нисбатан 2308 иш ўрни юқори ёки 107,5% га ўсиш ҳолати кузатилган (2.3.1-расм).

Инфратузилманинг мақсади савдо-сотиқ иштирокчилари фойдасини кўпайтиришдан иборат бўлиб, у талабга бўйсунди, унга ҳар томонлама монанд бўлишга интилади. Инфратузилма қанчалик ривожланган бўлса бозор ўйини қоидаларини бузиш қийинлашиб боради, фирром рақобат чекланади.

Албатта, инфратузилма объектлари турли хизмат кўрсатгани учун ҳаражатларни қоплаш, фойда олиши, солиқлар тўлаши керак. Бу эса сўзсиз товар ва хизматлар нархлари ортишига сабаб бўлади. Лекин, ўз мақсадларига эришиши учун:

- ўз ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириб боради;
- бозордаги вазиятдан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришга бозор талабини етказиш орқали ишлаб чиқариш қоидаларини жорий тартибга солинишини таъминлайди;
- товарларни бозор нархини белгилайди, шу мақсадда биржа механизимидан фойдалинилади;
- товарлар ва хизматлар бозорида маркетинг асосида буюртмачи ролини, бажариб барча истеъмолчилар номидан иш олиб боради.

Инфратузилма таркибига: чакана ва улгуржи савдони таъминловчи савдо шахобчалари, аукцион, тижорат дўконлари, деҳқон бозорлари, тижорат- воситачи марказлари, савдо-саноат палаталари, савдо уйлари, ярмарка повильонлари, товар биржалари ва бошқалар кирази. Бундан ташқари, давлат ташкилотлари: давлат солиқ инспекциялари, давлат констракция тизими, монополияга қарши кураш қўмитаси, баҳоларни

назорат қилувчи инспекция, давлат суғурта хизмати ва бошқалар ҳам унинг таркибига киради.

Айниқса, вилоятда саноат, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш каби реал сектор вакиллари улуши доимий тадқиқот даврида пасайиб боровчи ҳолатни акс эттирганлар. Бунинг асосий сабаби сифатида вилоятда мавжуд кичик бизнес субъектлари учун хизмат қилаётган инфратузилма объектлари сонини қисқариши жараёнини айтиб ўтишимиз мумкин. Бунда бир томондан улар сонини қисқариши сабаб бўлаётган бўлса, иккинчи томондан, инфратузилма фаолияти хизматлари сифатида ҳам ўзгариш сезиларсиз қолаётганлиги билан изоҳланади. Улар хизматининг сифати ўсиб борганда кичик бизнес субъектларидаги пасайиш юз бермас эди. Чунки, инфратузилма объектлари хизмати миқдорий пасайиб борсада, сифат жихатдан ортиши камайиш ўрнини самарали фаолият ҳисобига тўлдирар эди.

Демак, иқтисодиётда реал сектор улушини ўстириш, улар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш учун бугунги кунда нафақат кичик бизнесга хизмат қилувчи инфратузилма объектлари сонини балки улар фаолияти самарадорлигини ҳам ўстириш лозим. Бунда асосий эътибор улар ҳудудлар бўйича тақсимотини тўғри йўлга қўйиш, ҳамда тармоқларни жойлашишига қараб хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш лозим.

Фикримизча, кичик бизнесга хизмат қилувчи бозор инфратузилма ишларини фаоллаштиришда, биринчидан, кичик бизнес субъектларининг мазкур хизматларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда уларнинг сонини ошириб бориш лозим ва бунда асосий эътиборни маркетинг ва консалтинг хизматларини кенгайтиришга, шунингдек қишлоқ жойларда лизинг компанияларини очишга қаратишимиз лозим. Иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билим ҳамда маданиятини ошириш тизимини ривожлантириш, кадрлар малакасини ошириш учун ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш, кичик бизнес субъектлари мутахассисларини ишдан ажралмаган ҳолда сиртдан ўқитиш, ишсиз фуқароларни бепул қайта

тайёрлаш тизимларини жорий қилиш. Учинчидан, кичик бизнес субъектларининг ахборотлар бозорида маълумотларга эга бўлишларини таъминлаш мақсадида уларга хизмат кўрсатаётган кредит тизимлари ҳамда уларда кредитлаштиришнинг шартлари ва талаблари, мазкур ҳужжатларни тайёрлаш қоидалари каби жараёнлар билан яқиндан таништириб бориш ва бунга уларни кенг жалб этиш. Тўртинчидан, кичик бизнес корхоналарининг хом ашё ва материаллардан фойдаланиш, тайёр маҳсулотларни сотиш имкониятларини кенгайтириш, ташкил қилиш учун майда улгуржи бозорлар, ярмаркалар тизимини кенгайтириш, улгуржи бозорлар қошида моддий-техника таъминоти, ижара, сақлаш, транспорт хизмати кўрсатиш бўлимларини ташкил этиш йўллари орқали савдо механизмларини такомиллаштириш зарур.

Демак, инфратузилма кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим туртки бўлиб хизмат қилади. Қайси минтақада инфратузилма яхши ташкил этилган бўлса, шу минтақада янги кичик бизнес субъектлари пайдо бўлади. Бу эса, ўз навбатида, янги иш жойларини яратиш ва шу орқали иш билан бандлик муаммосининг бир қадар ҳал этилишига эришишни, аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш имкониятларининг пайдо бўлишини, солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумининг кўпайишини, маҳаллий бюджетнинг бойишини, иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитининг яратилишини ҳамда турли секторлар ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларнинг янада мустаҳкамлигини таъминлайди.

3 БОБ. Ҳудудда кичик бизнес фаолиятини меҳнат омили самарадорлигини ошириш асосида ривожлантириш

3.1. Ҳудудда иш билан бандлик даражасини ошириш йўллари

Андижон вилояти иқтисодиётида яратилган товар ва хизматларнинг умумий қийматида иккита йирик омиллар гуруҳи мавжуд бўлиб, улар: ЯҲМ таркибидаги меҳнат ва капитал улушларидир. Биринчи кўрсаткич, ақлий ва жисмоний меҳнатнинг натижасида ЯҲМ таркибига қўшилган қиймат улушини аниқласа, иккинчи кўрсаткич, иқтисодиётга киритилган инвестициялар асосида шаклланади. Иқтисодиётда меҳнат омилининг ўсиш суръати кескин ўсувчи ёки камаювчи ҳолатни ифодаламайди, лекин капитал омили, яъни инвестициянинг иқтисодиётга киритилиши эса тебранувчи ҳолатни акс эттиради. Бу эса, ўз навбатида капиталнинг ЯҲМдаги улушини ҳам ўзгаришига олиб келади. Натижада, меҳнатнинг улуши ҳам унга қарама - қарши ҳаракатда ўзгаради. Бу ўзгариш иқтисодиётдаги иш билан бандлик даражасини ўзгаришига ёки унинг ўсиш суръатига ўз таъсирини кўрсатади. Ҳолатнинг салбий бўлиши ёки иш билан бандлик даражасининг ўсиш суръатини пасайиши иқтисодитётда ишсизлар сонини ортишига олиб келади. Ишсизлик эса иқтисодиётдаги салбий оқибатларни келтириб чиқарувчи муаммолардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, иқтисодиётдаги мавжуд меҳнат ресурсларининг ишсизлиги билан бирга, уларнинг ишлаб чиқаришда тўла капитал билан таъминланмаганлиги ҳам иқтисодиётдаги муаммолардан бири деб айтишимиз мумкин. Тўла капитал билан таъминланмаган шароитдаги иқтисодий ўсиш иқтисодиётнинг ривожланиши мувозанатли ҳолатда эмаслигидан далолат беради. Бунини иқтисодиётдаги меҳнат бозори ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлардан ҳам кузатишимиз мумкин. Иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳоли сони йилдан йилга ортиб бораётган бўлсада, иш билан бандликнинг ўсиш суръати охириги йилларда ўзида пасайишни ифода этмоқда.

Вилоятда иш билан бандлик даражасининг ўсишини сабаби сифатида асосий капиталга киритилаётган инвестициянинг ўсиш суръатини аввалги йилдаги қийматига нисбатан ортиб борётганлиги билан изоҳлаймиз. Иш билан бандлик даражаси ўсиб бораётган бўлсада бу кўрсаткич иқтисодиёт учун етарли эмас, чунки иқтисодиётда иш билан бандлик даражасининг камида 20% ли захирага эга.

Андижон вилоятида бугунги кунда макроиқтисодий кўрсаткичларни барқарор даражада ўсишини таъминлаш ва унинг суръатини янада ошириш учун иш билан бандлик даражасини ўстириш зарур. Бу муаммони ҳал этишнинг бугунги кундаги йўлларида бири ва самаралиси кичик тадбиркорликни ривожлантиришдир. Айниқса, қишлоқ жойларида кичик тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Қишлоқ жойларида ташкил этилаётган кичик тадбиркорлик билан шуғулланаётган субъектларга солиқ имтиёзларини бериш, имтиёзли кредитлар билан таъминлаш бўйича ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш зарур. Шунингдек, қишлоқ жойларида ташкил этилаётган кичик тадбиркорлик бўйича ишлаб чиқариш бирликларини ҳудудда мавжуд касб - ҳунар коллежлари мутахассисликларидан келиб чиқиб жойлаштириш бўйича давлат махсус дастурларни амалга ошириши лозим. Бунда давлат томонидан ишлаб чиқиляётган дастури касб - ҳунар коллежлари мутахассисликларига доир ишлаб чиқаришни ҳудудда жойлаштираётган субъектларга давлат кафолати остида имтиёзли кредитлар бериш ва ягона солиқни пасайтирилган (агар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи бўлса, солиқдан тўлиқ озод қилиш) ставкаларини қўллаш асосида фаолиятларини ташкил этишга қаратилмоғи лозим. Т.Пўлатов тадқиқотларида кўрсатилишича, инсон салоҳияти ва аҳолининг саводхонлиги 99% дан юқорилиги фан ва илмий инфратузилманинг ривожланиш даражаси бўйича Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар билан бир қаторда туради деб таъкидланади. Шунингдек, яқин йилларда мамлакатдаги мавжуд ишсиз меҳнат ресурслари ва тармоқлардаги иш билан бандликни оқилона

таксимооти иқтисодий ўсишнинг миқдорий омили сифатида рағбатлантирувчи восита бўлиб қолади.

Андижон вилояти иқтисодиётида яратилган ЯХМ таркибидаги меҳнат ва капиталнинг улуши, уларнинг капитал ўсиш суръати натижасида шаклланиши ҳамда капитал ўсиш суръатидаги ўзгариш таъсирида иш билан бандлик даражасини ўсиш суръатининг ҳамда меҳнат унумдорлигининг ўзгариши ва уларнинг ўзаро боғланишини таҳлил қилиш асосида мамлакатда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишдаги мавжуд муаммоларни аниқлаймиз.

Вилоятда меҳнат бозоридаги ҳолатни ижобийлаштириш – иш билан бандлик даражасини ошириш учун ЯХМ таркибидаги меҳнатни камайтириб капитал улушини ошириш зарур. Буни амалга оширишда меҳнатнинг ЯХМдаги улушини камайтириш тадбирини капиталга нисбатан амалга ошириш талаб этилади, яъни бир вақтда меҳнатнинг ЯХМдаги улушини ҳам капитални улушини ҳам ошириб боришимиз зарур, бунда капиталнинг улуши тезроқ ўсишни ифодалаши ва бу қиймат ўзининг ЯХМни ортишида ифодалаши зарур. Шу билан бирга иш билан бандлик даражасини ортиши ҳам капитал улушини ортиши асосида содир бўлиши керак. Бунинг маъноси капитал улушини ошириш бирламчи мақсад ҳисобланишидир. Фақат шундагини оширилаётган капитал улуши натижасида иш билан бандлик даражаси ортиб бориши таъминланади. Унинг ортиши иқтисодиётдаги капитал ҳажмининг ўсишига, қўшимча иш жойлари яратилишига сабаб бўлади. Янги иш жойларини ташкил этилиши иш билан бандлик даражасини ижобий кўрсаткичга эга бўлишини таъминлайди. Капитал улушини ошириш учун иқтисодиётга киритилаётган инвестицияларнинг ҳам ҳажмини, ҳам суръатини ошириш зарур.

Андижон вилояти иқтисодиёти учун олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланиб иш билан бандлик даражасини ўсиш суръатини кўтаришни аниқлаш учун зарурий капитал омилининг ўсиш суръатини ҳисоблаб топамиз.

Вилоят иқтисодиёти учун олиб борилган тадқиқотларимизни кўрсатишича ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омиллар билан бирга, тармоқларнинг қўшилган қийматдаги улушини тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, ишлаб чиқарилган ЯХМ ҳажмини яратишда реал ишлаб чиқариш улушини ошириш асосида экспортбон рақобатбардош товар ва хизматлар яратиш имконияти пайдо бўлади. Бу эса охир оқибат барқарор ўсиш давомийлигини таъминловчи асосий самарадорлик кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз асосида олинган қийматлардан келиб чиқиб хулоса қилсак, иш билан бандлик даражасини ўсиш суръатини ўзгаришини ҳамда капитал омилининг самарадорлигини кўрсаткичи яъни, капитал сиғими (ICOR коэффиценти)ни ижобий ҳолатда бўлишини таъминлаш учун капиталнинг йиллик ўсиш суръатининг ўзгаришини камида 0,66% да ушлаб туриш зарур. Шундагина ЯХМ таркибидаги капитал улуши ўсиб бориб, иқтисодиётда мавжуд капитал ҳажми ортади, бу эса барқарор даражани таъминлайди. Шунингдек, капиталнинг ўсиш суръати ишчи кучи сонига тўғри келадиган ҳажмда ўсиши натижасида ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматлар меҳнат талаб соҳалардан капитал талаб соҳаларга айланиши таъминланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ортади, қилинаётган ҳаражатлар қисқаради, натижада ҳам сифат жиҳатдан, ҳам нарх жиҳатидан рақобатбардошлиги ортади. Бу эса, киши бошига ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган маҳсулот ортишига, аҳоли даромадини инфляциясиз ўсишига олиб келади. Капиталнинг ҳажмини ортиши билан меҳнатнинг ЯХМ таркибидаги улуши камайиб, капиталнинг улуши ортади, натижада янги иш жойлари яратилиб мавжуд тармоқлардаги ортиқча иш билан бандлик (яширин ишсизлик) камаяди ва меҳнат унумдорлиги ҳамда капитал қайтими каби омилларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ўсади. Иқтисодий ўсиш омилларининг самарадорлигини ортиши иқтисодиётда ялпи ҳолда амалга оширилиши таъминланганлиги, яъни ҳам миқдори ҳам улар сифати ортиши асосида таъминланмоқда. Бунинг

оқибатида эса, умумий ҳолда, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор даражада ривожланиши таъминланади.

Вилоятда миллий секторда қўлланилаётган технология кўп меҳнат ва бошқа ишлаб чиқариш ресурслари сарфи асосида амалга оширилса, хорижий сектордаги технология эса, кам меҳнат ва ресурслар сарфи асосида юқори сифатли, рақобатга чидамли, экспортга мос товар ва хизматлар ишлаб чиқарилаётганлиги билан асосланади. Бу икки сектордаги ҳолатнинг яна бир фарқли белгиси - хорижий секторда ишчи кучига тўғри келадиган капитал миқдори миллий сектордаги ишчи кучига тўғри келадиган капитал миқдоридан юқориликдир. Яъни, ишлаб чиқариш харажатларининг энг юқори қисми иш ҳақи харажатларидир. Капиталнинг ишчи кучи бошига тўғри келадиган ҳажмини ўсиши ишчи кучининг ишлаб чиқариш воситалари билан етарли даражада таъминланганлигини, тармоқда яширин ишсизлик (ортиқча ишчи кучи) камайтирилганлигини кўрсатади, бу эса харажатлардаги иш ҳақини камайтиради, яъни, яратилаётган товар ва хизматлар кам меҳнат асосида тайёрланади. Шунинг учун ҳам хорижий секторнинг меҳнат самарадорлиги миллий секторнинг меҳнат самарадорлигидан тадқиқот даври давомида юқори ҳолатларни ифодалаган.

Вилоятда ишлаб чиқариш арзон меҳнат ва хом ашё билан амалга оширилсада, ишлаб чиқарилган маҳсулот нафақат жаҳон бозорида, хатто миллий бозорда ҳам рақобатга чидамсиз. Бунинг асосий сабаби - қўлланилаётган ишлаб чиқариш воситаларини асосий қисми ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан эскирганлиги боис ишлаб чиқариш омилларининг ортиқча сарфланиши натижасида таннархни юқорилиги бўлиб қолмоқда. Демак, меҳнат самарадорлигини ошириш учун иқтисодиётга замонавий техника - технологияларни жалб этиш ва унга мос малакали кадрларни тайёрлаш зарур. Бу тадбирларни амалга оширишнинг миллий иқтисодиёт учун самарали йўллари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий жиҳатдан ночор бўлган давлат ва акциядорлик компанияларига тегишли йирик, стратегик аҳамиятга эга бўлган

корхоналарнинг акция пакетларини хорижий инвесторларга ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник - технологик жиҳатан қайта жиҳозлаш ва халқаро бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция мажбуриятлари асосида хусусий мулк қилиб сотишга қаратилган давлат сиёсати тизимини такомиллаштириш;

- хорижий инвестицияларни жалб этишда ҳудудларнинг имкониятлари турлича бўлганлиги боис, давлат томонидан минтакавий хусусиятлар инобатга олинган хорижий инвесторлар учун кафолат ва имтиёзларга қаратилган чора - тадбирларни ишлаб чиқишни кенгайтириш;

- тижорат банкларини реал секторни молиялаштиришни кучайтириш мақсадида Марказий Банк томонидан улар фаолиятини рағбатлантирувчи табақалаштирилган монетар сиёсат юритиш;

- мамлакат таълим тизимида тайёрланаётган кадрларни «тормутахассислаштириш» асосида сифатини ошириш;

- касб - ҳунар коллежларида меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб фундаментал мутахассислар тайёрлаш;

- давлат бюджети орқали инсон капиталини ўстириш;

- инновацион жараёнларни жадал иқтисодиётга киритишни рағбатлантириш учун давлат кафолати тизимини ривожлантириш;

- фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни янада чуқурлаштириш ва тўпланган тажрибалар асосида самарали тизимни шакллантириш.

Тармоқларидаги меҳнат самарадорлигини аниқлаш ва саноат тармоғига нисбатан олиб ўрганиш асосида шу ҳолат маълум бўлдики, тармоқлардаги иш билан бандликни кичик даражаларда ҳам ўзгариши, унинг меҳнат самарадорлиги кўрсаткичига кескин таъсир қилмоқда. Бунинг биринчи сабаби, меҳнат самарадорлигини иш билан банд ишчи кучига нисбатан ҳисобланаётганлиги бўлса, иккинчи томондан иш билан банд ишчи кучини етарли даражада капитал билан таъминланмаганлигидир. Капиталнинг етарли даражада эмаслиги, тармоқда ялпи маҳсулотнинг меҳнат улушини

юқорилиги асосида тайёрланаётганлигини англатади ва бу ишчи кучини ортиши ёки камайишига кучли боғланишни ифодалайди. Капитал билан таъминланганлиги юқори бўлса, тармоқдаги иш билан бандликнинг ортиши ёки камайиши меҳнат самарадорлигини нисбатан кескин ўзгаришига йўл қўймайди, чунки иш билан банд ишчи кучи томонидан амалга оширилаётган иш ҳажми қисман капиталга ўтади. Демак, бугунги кунда тармоқлардаги меҳнат самарадорлигини ўстириш учун уларни капитал билан таъминланиш даражасини асосий капиталга инвестиция киритишни рағбатлантириш асосида ошириш ва меҳнат ресурсларини самарали иш билан бандлигини иқтисодиёт хусуиятларидан келиб чиқиб таъминлаш, яъни бунда кичик бизнес фаолиятини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш зарур бўлиб, уларни амалга ошириш учун қуйидаги таклифларни берамиз:

- яширин ишсизликни бартараф этиш ва меҳнат ресурсларини тармоқлар ўртасида оқилона тақсимотини рағбатлантиришга қаратилган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш;

- таълим тизимида замонавий технологияларни киритиш асосида фаол ва рақобатбардош кадрларни шакллантириш ҳамда иш билан бандликда таркибий силжишларни амалга ошириш;

- давлат томонидан иш билан бандлик ва ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини такрор ўзгаришини рағбатлантириш;

- қўшимча қиймат яратувчи тармоқларнинг ўз инвестиция ресурсларини шакллантириш ва самарали тарзда асосий капитални ўстириш учун уларни фойда солиғидан озод қилиш;

- мамлакатда солиқ ва давлат харажатларини қисқартиришга қаратилган чекловчи фискал сиёсатни амалга ошириш асосида иқтисодиётда ресурсларни кўпайтириш ва хусусий инвестицияни ўстириш;

- ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш асосида корхона ихтиёрида қолаётган ресурсларни ўстириш учун инфратузилмани ривожлантириш, табиий монополиянинг нарх даражасини ишлаб чиқариш

учун пасайтириш, ишлаб чиқаришни истиқболли тармоқларини молиявий харажатларини паст фоиз ставкали кредитлар бериш билан таъминлаш;

- инвестиция ресурси бозорининг асосий катнашчиларига ресурсларни кидириш, олиш ва ўзлаштиришга қаратилган мамлакатда қулай инвестиция муҳитини яратишга қаратилган меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва уларнинг назоратини ишлаб чиқиш;

- корхона шахсий инвестиция ресурсларини кўтариш ва асосий воситаларини маънавий эскиришини олдини олиш учун тезлаштирилган амортизация сиёсатини амалиётга қўллашни давлат томонидан рағбатлантириш (солиқ сиёсати асосида);

- кичик бизнес ва касаначиликни ташкил этиш учун уларга асбоб-ускуналарни лизингга бериш тизимини давлат томонидан қўллаб қувватлаш;

- қишлоқ жойларида ташкил этилаётган кичик бизнес субъектларига бизнес режаларини назорати асосида субсидиялар бериш ишсизлик нафақасига нисбатан самарали бўлиб, у орқали биринчидан аҳоли реал даромади ўстирилади, иккинчидан қишлоқ хўжалиги тармоғида мавжуд ортиқча ишчи кучи самарали иш билан бандлиги таъминланади;

- бугунги кунда кичик бизнес субъектларининг «яшовчанлик» даражасини ошириш учун уларни бошқарувчи кадрларни тайёрлаш ва малакасини доимий равишда ошириб бориш;

- йирик фирма ва бирлашмаларнинг ишлаб чиқариш жараёнида кичик бизнес маҳсулотлари интеграциясини амалга оширувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредитлар бериш ва улар фаолиятини кафолатловчи меъёрий ҳужжатларни ривожлантириш;

- кичик бизнес субъектлари томонидан ўз эҳтиёжлари учун импорт қилган асбоб ускуналарга божхона имтиёзларини бериш, уларни тўлашда муддатли кечиктиришларга фоиз тўловларисиз руҳсат бериш.

Иқтисодиётда ва унинг тармоқларида меҳнат самарадорлиги ортиб бориши билан иқтисодий ўсиш кўрсаткичи – ЯИМ ҳажмини ортиб бориши бир-бирига мувофиқ ҳолда ўзгариб бормоқда.

Демак, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун тармоқларда ва ялпи иқтисодиётда меҳнат самарадорлигини ошириш лозим. Уларни амалга ошириш учун қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

- меҳнат самарадорлигини ўстириш учун яширин ишсизликни бартараф этиш лозим ва буни иқтисодиётда республика минтакавий хусусиятларидан келиб чиқиб аҳоли зич регионларда ишлаб чиқаришга оид кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, меҳнат ресурслари кам ҳудудларда эса хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантиришга кўпроқ урғу бериш учун имтиёзларни давлат томонидан ишлаб чиқиш ва ривожлантириш асосида бартараф этиш;

- меҳнат самарадорлигини ўстиришга қаратилган ижтимоий - меҳнат муҳитини давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш;

- ишчи кучи ва ташкилот раҳбарияти ўртасидаги муносабатларни сиёсий қонуниятлар билан эмас балки, иқтисодий қонуниятлар билан бошқариш тизимини шакллантиришга қаратилган чора - тадбирларни кучайтириш;

- ишлаб чиқариш билан таълим тизими ўртасидаги узвий боғланишни кучайтиришни таъминлаш асосида юқори харажатлар эвазига «келиб-кетувчи» кадрлар ўрнини «сифатли-миллий» кадрлар билан тўлдириш;

- қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш учун фермер хўжалиги бошқарувчиларини семинар ташкил этиш асосида ўқитиш ва қайта ўқитишни жорий этиш;

- даромад солиғини пасайтириш асосида аҳоли даромадини ўстиришни таъминлаш билан юқори малакали кадрларга бўлган талабни ортишига мос унинг таклифи шаклланишини таъминлаш;

- малакавий даражаси бўйича ходимнинг иқтисодий манфатдорлигини табақавий таъминотини такомиллаштириш, яъни, «юқори билимга эга кадр – юқори иш ҳақи» қондасига амал қилиш, бунда ишчини ишлаган йили эмас

балки унинг реал соҳага қўшган ва қўшаётган малакавий даражаси мезон қилиб олиними лозим;

- фан техника тараққиётини ва илғор технологияларни жорий этиш асосида меҳнатни механизациялаш ва автоматлаштириш;

- янги ихтироларга ва инновацион жараёнларга асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатини кенгайтириш.

Андижон вилоятида иқтисодий ўсишга меҳнат самарадорлигидан ташқари капитал ва меҳнат омилларининг ўсиш суръати, техника тараққиёти ёки омилларни ялпи унумдорлиги кабилар ҳам таъсир этади. Шу боис бу омилларни иқтисодий ўсишдаги улуши, уларнинг таъсири ҳамда самарадорлиги даражасини ўрганиш асосида, биз, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш ва унинг омиллари самарадорлигини тўлиқроқ даражада ўрганиш имкониятига эга бўламиз.

Хулоса қилиб айтсак, меҳнат самарадорлиги иқтисодий ўсишга бевосита таъсир этувчи асосий омил ҳисобланар экан. Бу ҳолат ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ҳам кўриб ўтилди. Улар барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда асосий эътиборни меҳнат самарадорлигини оширишга қаратишган. Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётидаги кўрсаткичлар тенденциясида ҳам меҳнат самарадорлигини ЯИМ ҳажмига таъсири тўғри боғланишда эканлигини кузатдик. Ўзбекистонда хорижий сектордаги меҳнат самарадорлигини юқорилигини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиётга хорижий инвестициялар киритишни рағбатлантирувчи чора - тадбирларни қўллаш зарур. Шу билан бирга миллий иқтисодиётдаги ишлаб чиқаришнинг юқори технологияли тармоқларига алоҳида аҳамият бериш керак. Бунда ишчи кучи малакаси ҳамда киритиладиган инвестициялар миқдори ўзаро мос равишда ошиб боришини таъминлаш зарур бўлади.

Иқтисодий ўсишнинг яқин йилларда иқтисодий захираларидан бири – меҳнат самарадорлигини ўсишини таъминловчи хорижий инвестициялар бўлиб қолади.

Мехнат самарадорлигини ошириш учун биринчидан, киши бошига тўғри келадиган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини иш билан банд ишчи кучига тўғри келадиган капитал ҳажмини (капиталинтенсивлигини) ўстириш асосида эришиш. Шунингдек, ишлаб чиқарувчиларга тўғри келадиган товар ва хизматлар ўсиши меҳнат баҳоси ортишига, бу эса - хорижий инвестицияларни иқтисодиётга кириб келишини жонланишига олиб келади. Капиталинтенсивликни ўстириш бир томондан асосий капиталга киритилаётган инвестицияни ўстириш, иккинчи томондан, кишлоқ хўжалиги ва қурилиш тармоқларида мавжуд ортиқча ишчи кучини иқтисодиётнинг реал секторига, яъни саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларига қайта тақсимлаш асосида амалга оширилади. Иккинчидан, ишчи кучи малакасини ошириш асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сифати, уларни умумий ва киши бошига тўғри келадиган ҳажми ҳамда миллий ва жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлиги ўсишига эришилади ва бу иқтисодиётни умумий ҳолда рақобатбардошлигини ортишига олиб келади. Ишчи кучи малакасини ўстиришнинг самарали йўлларида бири - ишлаб чиқариш ва таълим ўртасидаги боғланишни кучайтиришдан иборат.

Учинчидан, меҳнат самарадорлигини доимий равишда ўсиб боришини таъминловчи техника - технология даражасини ўстириш бўлиб, тадқиқотларимизни кўрсатишича уни амалга оширишнинг Ўзбекистон иқтисодиёти учун мақбул биринчи йўли - тўғри хорижий инвестицияларни ялпи инвестициялардаги улушини ўстириш бўлса, иккинчи йўли - давлатнинг бевосита иштироки асосида инсон капиталини ўстиришдан иборат.

3.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўллари

Инфратузилма иқтисодий тизимнинг амал қилиш самарасини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Унинг ёрдамида хўжалик муносабатлари тикланади ва ривожланади, хўжалик юриштишнинг янги шакллари вужудга келади ва кенгайиб боради, ижтимоий-иқтисодий фаоллик ортади ва хўжалик алоқаларидаги мақсадлар таъминланади, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқлари ўртасидаги боғлиқлик, таъсир кўрсатиш самараси ортади ҳамда такомиллашади. Буларнинг барчаси бозор инфратузилмаси фаолият юриштишининг амалдаги ҳолати ва ривожланиш даражасига бевосита боғлиқдир.

Янги корхоналарнинг пайдо бўлиши, кенгайиб бориши инфратузилмавий ҳолат таъсирида мавжуд корхоналарнинг ривожланиши натижасида орттирилган катта фойдани ҳам самарали ишлатиш мақсадида янги хўжалик шакли ёки турини яратиш, унинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга интилишни кучайтиради.

Инфратузилманинг хизмат кўрсатиш таркибий қисмлари, асосан, йирик шаҳарларда фаолият кўрсатади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун вилоятимизнинг шаҳар ва туман марказларида ҳам информацион-ҳисоблаш хизмати ва маркетинг марказлари ташкил этилиши лозим. Улар клиринг, биржа, нотариал хизмати, адвокатлик хизмати, консалтинг ва инжиниринг компаниялари хизмати, ахборот, реклама ва унча катта бўлмаган объектлар қурилиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа-смета бюrolари, ер қурилиш режалари, бозор конъюнктурасини ўрганиш хизматларини олиб боришлари лозим бўлади.

Умуман олганда, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун бозор инфратузилмаси барпо этилган. Лекин бу мазкур соҳадаги ишлар силлик кечаяпти, дегани эмас. Шунинг тан олиши керакки, мазкур инфратузилма ҳали ҳам кичик бизнес

субъектларининг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини қондира олмаяпти. Шу боис бу борадаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўриб ўтиш фойдали бўлиши мумкин. Бунда:

- Биринчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга барча тадбиркорларнинг билим ва тажрибалари етарли даражада эмаслиги, шунингдек уларни ахборот ва маслаҳат хизматлари билан таъминлаш тизимлари фаолиятининг такомиллашмаганлиги тўсиқ бўлмоқда. Кўпинча, жойларда қишлоқ тадбиркорларига зарур бўлган ташкилий-услубий ёрдамлар кўрсатилмаяпти. Уларни ўқитиш ишлари яхши ташкил этилмаяпти. Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлинмаларида ташкил этилган хўжалик ҳисобидаги ахборот-маслаҳат марказларининг вазифаларини такомиллаштириш, тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш, яъни таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш, бизнес-режалар тузиш, кредит олишга аризалар бериш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини ташкил этиш, аудиторлик текширувларини ўтказиш ва бошқа консультацион хизматлар кўрсатишда кўмаклашиш лозим. Шунингдек, марказлар бошқа муҳим масалаларни ҳам ҳал этиши лозим. Буларга қуйидагилар киради:

- уларни ҳуқуқий маслаҳатлар билан ўз вақтида таъминлаш;
- уларнинг солиқ, молия, банк ва бошқа тузилмалар билан бўладиган ўзаро алоқаларида кўмаклашиш;
- кичик бизнес инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосномасини тайёрлашда ёрдам кўрсатиш ва ҳ.к.

Тадбиркорлар билим ва малака кўникмаси;

- фермерларни ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини янада ошириш учун бизнес режалар ва молиявий ҳисоботлар тузиш, кредит буюртмаларини расмийлаштириш каби соҳаларда ўқув курслари маслаҳат хизматларини жорий қилиш амалиётини янада кенгайтириш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳамкорлик муносабатларини бериш;

-қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ва қайта ишлаш бўйича маслаҳатлар бериш;

-хўжаликларни ташкил этиш, бошқариш, технологиялар соҳасидаги илғор тажриба ва инновацияларни кичик бизнес бошқарувчиларига етказиш;

-фермерларга илмий ва техник ёрдам беришга йўналтирилган халқаро лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш;

-қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг эҳтиёжи ва талабларидан келиб чиқиб илмий-амалий жихатдан асосланган таълимни ташкил этиш.

Иккинчидан, кичик бизнес субъектларининг моддий-техника ресурсларидан, хом ашё ва материаллардан фойдалана олиш имкониятларини кенгайтириш. Кичик бизнес корхоналари асбоб-ускуналар, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олишларида бир қанча муаммоларга дуч келмоқда. Чунки бу уларнинг «чўнтаги»га тўғри келмайди. Лизинг эса бу каби масалаларни ҳал қилишнинг энг самарали воситаларидан биридир. Унинг ғоят муҳим томони шундаки, у молиявий ресурслар чекланган даврда корхоналарнинг маблағ тежаши асосида машина ва асбоб-ускуналарни қисқа муддат ичида олишга ёрдам беради. Айниқса, молиявий ресурсларга эга бўлмаган кичик бизнес субъектларига лизинг жуда ҳам қўл келади. Лизинг фирмаларини тижорат банклари қошида тузиш ва бошқа ҳудудларда лизинг фирмаси шоҳобчаларини очиш кичик бизнес корхоналарини техника ресурслари билан таъминлашга имкон беради. Бундан ташқари, юқорида таъкидланган масалани ҳал этишда майда улгуржи савдо ва сервис хизмати тармоғи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Биз сервис ҳақида гапирганда, кўпинча, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини тушунамиз. Аслида сервис анча мураккаб соҳа. У хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча муаммоларни ўз ичига қамраб олади. Японияда сервис бутун бир ташкилий, иқтисодий, психологик, этик масалалар мажмуини ҳал этишни англатади. Шу боис кичик бизнес корхоналарига сервис хизматларини кўрсатиш кўламини

кенгайтириш орқали юқоридаги масалаларни ҳал этиш фойдали бўлиши мумкин;

Лизингни ривожлантириш;

-сервиз хизматларини кенгайтириш;

-республикада қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари ва қишлоқ хўжалик техникасини сотиш билан шуғулланувчи корхоналарга солиқ тўловлари бўйича имтиёзлар бериш;

-лизинга бериш учун олиб келинаётган қишлоқ хўжалик техникаларини божхона солиқ тўловларидан озод қилиш;

-қишлоқ хўжалик техникаларини молиялаштириш бўйича давлат томонидан ажратилётган субсидиялари ҳажмини ошириш;

-вилоят МТП ва муқобил МТПларда хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

-трактор, комбайн ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини техник сервиз хизмати кўрсатадиган диллерлик марказларнинг ташкил этиш ва таъкомиллаштириш;

-фермерлар уюшмаси таркибида моддий техник- таъминот ва техник сервис хизмат кўрсатувчи кооператив ташкил этиш;

-ўқув жараёни ва олий ўқув юртларидаги илмий тадқиқот ишлари билан ишлаб чиқаришни боғлайдиган бўғин вазифасини бажарадиган марказ ташкил этиш;

-лизинг тизими инфраструктурасини ташкил этиш;

-тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган лизинг лойиҳаларини амалга оширишни молиявий кафолатини таъминлаш ва моддий қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистонда лизингни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш фоизини ташкил этиш зарур.

Учинчидан, кичик бизнес корхоналарининг ташқи бозорга чиқишида бир қанча муаммоларнинг мавжудлиги. Хусусан, экспорт шартномаларининг Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан ўтказиш ва божхона органларида ҳисобга олиш жараёнларининг мураккаблигидир. Шунингдек,

кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни режалаштириш ҳамда товарлар ва хизматларни чет элга сотишда ёрдам кўрсатиш борасида самарали тизим ишлаб чиқилмаган.

Экспортга кўмак бериш бўйича, ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигидан ва божхонадан битадиган ишларини енгиллаштириш, чет элга махсулот сотишни самарали тизимини ишлаб чиқиш;

-кичик бизнес субъектларини имкониятларини чекланганлигини ҳисобга олиб божхона тизимида алоҳида хизмат кўрсатувчи бўлим ташкил этиш, уларда расмийлаштириладиган ҳужжатларни камайтириш ва кичик бизнес субъектларига импорт-экспорт бўйича маслаҳатлар бериш;

- кичик бизнес субъектларини экспорт-импорт фаолиятига қўйиладиган божхона тўловларини «кечиктириш» тизимларини жорий этиш, бунда кичик бизнес субъектлари хорижга чиқараётган экспорти учун аввалдан эмас, балки экспорт учун пул ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг ундириш тизимини жорий этиш.

Хулоса

Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига меҳнат омилининг таъсирини ҳудудий хусусиятларини, унинг миллий ҳамда вилоят иқтисодиётидаги ўрнини тадқиқ қилиш асосида қуйидаги таклиф ва тавсиялар берилди.

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка таъсир этувчи омиллар ўрганилганда, энг юқори даража меҳнат омилига тегишлилиги аниқланди. Шунга мувофиқ мазкур соҳани ривожлантириш учун кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш лозим.

2. Кичик бизнес субъектларини доимий ахборот таъминотини йўлга қўйиш лозим. Чунки, ахборот тақчиллиги натижасида кўплаб тадбиркорлар фаолияти нобарқарор ҳолатда амал қилмоқда. Ушбу муаммони бартараф этиш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга компьютер технологияларини кредитга бериш тизимини такомиллаштириш керак.

3. Фермер хўжаликлари ва уларга хизмат қилувчи инфратузилмага чет эл инвестицияларини жалб қилиш борасида аниқ тадбирларни ишлаб чиқиши зарур. Жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича энг яхши бизнес-режа конкурсларини ўтказиш асосида ҳукумат ва уюшма кафолатлари орқали банк кредитлари ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш тадбирларини ўтказиш зарур.

4. Микрокредитлашни ривожлантириш ва унинг қайтарилмаслиги даражасини бартараф этишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- гуруҳлар тузиб, кафолатли қарз олиш тизимини кенг жорий этиш керак. Чунки вилоятда микрокредитларга, асосан, эндигина фаолиятини бошлаган хусусий тадбиркорлар ва микрофирмаларнинг эҳтиёжи катта. Гуруҳлар тузиб, банк томонидан берилаётган кредитни кафолатлашда кредит бир одамга эмас, балки 5-6 қарз олувчидан иборат бўлган гуруҳга берилади. Гуруҳ аъзоларининг ҳар бири олинган ссудани қайтарилиши юзасидан

жавобгар бўлади. Бу нафақат гуруҳий назоратни, балки бизнеснинг ҳар бир соҳасида гуруҳ аъзоларининг бирдамлилигини ва ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлашини таъминлайди;

5. Кичик бизнес ва касаначиликни Андижон вилоятида ташкил этиш ва ривожлантириш жараёнларини таҳлил этиш асосида шу ҳолат маълум бўлдики, улар самарали фаолиятига молиявий тўсиқлар салбий таъсир этмоқда. Ушбу муаммони бартараф этишнинг вилоятда ҳам мамлакатда ҳал этишнинг самарали йўли - уларга асбоб-ускуналарни лизингга бериш тизимини давлат томонидан кафолатлаш тизимини ривожлантиришдир.

6. Қишлоқ жойларида ташкил этилаётган кичик бизнес субъектларига бизнес - режаларини назорати асосида субсидиялар бериш ишсизлик нафақасига нисбатан самарали бўлиб, у орқали биринчидан аҳоли реал даромади ўстирилади, иккинчидан қишлоқ хўжалиги тармоғида мавжуд ортиқча ишчи кучи самарали иш билан бандлиги таъминланади.

7. Бугунги кунда кичик бизнес субъектларининг «яшовчанлик» даражасини ошириш учун уларни бошқарувчи кадрларни тайёрлаш ва малакасини доимий равишда ошириб бориш зарур бўлиб, ушбу тизимни давлат томонидан ишлаб чиқарилган махсус дастур асосида амалга ошириш лозим.

Умумий ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлган меҳнат омилидан фойдаланиш бўйича таклифларни жорий этиш натижасида вилоятда мавжуд кичик бизнес субъектлари фаолияти ривожланади ва аҳоли иш билан бандлиги ортади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.: Адолат, 2008 й.
2. “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620 сонли Фармони. \ Солиқ ва божхона хабарлари// № 26(570), 2005 йил 20 июнь, 3-4-бет.
3. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. - Халқ сўзи, 2000 йил 15 июнь.
4. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь, ПҚ-1271-сон.
6. Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарида. Т., «Ўзбекистон», 1998 й. -260-261 б.
7. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз—жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш. Халқ сўзи. 2005 йил. 29 январ.
8. Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топиш-тараққиёт гаровидир. Халқ сўзи. 2001 йил.
9. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси-мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. Халқ сўзи. 2003 йил. 18 февраль.
10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. -112 б.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. -127 б.

- 12.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Тошкент: Ўзбекистон, 1995. -45 б.
- 13.Каримов И.А. Эришилган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш-асосий вазифамиз. Халқ сўзи. 2004 йил. 10 февраль. №28 (3302).
- 14.Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи. 2006 йил. 11 февраль. №29 (3828).
- 15.Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир. Халқ сўзи. 2007 йил. 13 февраль. №31 (4184).
- 16.Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
- 17.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
- 18.Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
- 19.Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

- 20.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2010 йил, 30 январь.
- 21.Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Халқ сўзи, 22 январь 2011 йил.
- 22.Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // Халқ сўзи, 2012 йил, 20 январь.
- 23.Вахобов А. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. –Тошкент: Шарқ, 2003. -18 б.
- 24.Власова В.М. Основы предпринимательской деятельности. -Москва: Финансы и статистика. 2006.
- 25.Гафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик-тараққиёт асоси. -Т.: Ўзбекистон, 2001. -387 б.,
- 26.Исроилов Ж.И. Тадбиркорлик субъектларида товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлил қилиш усуллари. –Самарқанд:СВТИТП, 2004
- 27.Мировой рынок продовольствия в эпоху «генной» революции, 2002, изд. «Экономика».
- 28.Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: 2000. -121б.
- 29.Шумпетер Й. Теория экономического развития. Пер. с англ. – Москва: 2005.
- 30.Эрматов А.А. Перспективы государственной поддержки малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане//Филиал Российской экономической Академии им Г.В.Плеханова в г.Ташкент. Тезисы докладов. – Москва, 2 февраля 2006. с.283-284.
- 31.Эрматов А.А. Иқтисодий тараққиётда кичик бизнес ырнини баҳолаш//Ж. Бозор, пул ва кредит. Т., 2006. –№5(108). –б. 49-51

- 32.Эрматов А.А. Кичик бизнес инфратузилмасини ривожлантириш муаммолари//Ж. Жамият ва бошқарув. Т., 2006. -№2. –б. 12-14.
- 33.Эрматов А.А. қишлоқ жойларида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг мақсадли дастури// Илмий мақолалар тўп. – Тошкент, 2006. 197-199
- 34.Эрматов А.А. Андижон вилоятида кичик бизнесни ривожлантиришда инфратузилмани тутган ўрни//АндМИИ Илмий мақолалар тўп. – Андижон, 2006. 234-236 б.
- 35.Эрматов.А.А. Влияние рыночной инфраструктуры на развитие малого бизнеса в региональной экономике // материалы международной научно-практической конференции. ТФИ 24 января 2007.с.94-100.
- 36.Эрматов.А.А Андижон вилоятида кичик бизнесга хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг самарадорлигини ошириш йўллари // АндМИИ Илмий мақолалар тўп. –Андижон, 2009. 264-268 б.
- 37.Бувайда тумани статистика бўлими маълумотлари.
- 38.World Development Report 2005. www.worldbank.org.
- 39.<http://www.advertology.ru>
- 40.<http://www.oryol.ru>
- 41.Sharpe W.F. Portfolio Theory and Capital Markets. – New York: McGraw-Hill, 1970. – p.26.
- 42.<http://www.hse.ru/journals/main.htm>
- 43.[Институт Мировой Экономики и Международных Отношений \(ИМЭМО\)](http://www.imemo.ru/) 10.04.2005 Новый номер Бюллетеня "Экономика и политика России и государств ближнего зарубежья" (март 2005) <http://www.imemo.ru/>
- 44.<http://www.worldbank.uz>
- 45.<http://www.uzland.uz>